



XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqqa boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2015-yil 24-dekabr, payshanba, 51 (631)-son

e-mail: xxi_asr@mail.uz, web sayt: www.21asr.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР РЕЗЕРВИГА БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг қақирув ёшидаги фуқаролари 2016 йилнинг февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга қақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда қақирилиш муддатини кечиктириш ва қақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу қақирув мобайнида Қуроли Кучлар сафига қақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик қақирuvi резервиге олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддат-

ларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 2016 йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари резервиге бўшатилинсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Хавфсизлик кенгашининг котиби В.Маҳмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 23 декабрь



Соғим 300/Р олган суратлар

Маслақдошимиз маҳалладошлари бандлигини таъминлаган

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги «Nurafshon-Nur» хусусий корхонаси ўз фаолиятини 2007 йилда бошлаган. Бу ерда қурувчи ва сантехниклар, бошқа соҳа ходимлари учун устки химоя кийимлари, шунингдек, турли курткалар, пиджак ва пойабзаллар тайёрланади.

— Талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, маҳсулотларимиз дизайнни тез-тез ўзгартириб тураемиз, — дейди корхона раҳбари, O'zLiDeP аъзоси Муҳаббат Ташмухаммедова. — Бу эса уларнинг хариддорлигини таъминламоқда. Маҳсулоти либослари инсон саломатлиги ва хавфсизлиги учун жуда зарур. Шунинг назарда тутиб, уларнинг сифати ва рақобатбардорлигига алоҳида эътибор қаратаемиз. Яратилган қўлай имкониятлар фаолиятимизни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Дастлаб 10 нафар ходим билан иш бошлаган бўлсак, айни кунда уларнинг сонини 40 нафарга етди. Жорий йилда ишлаб чиқариш қўламини янада оширишга ҳаракат қилаемиз.

Интилганга омад ёр. Корхона жамоаси Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус» кўрик-танловининг шаҳар босқичларида 3 марта биринчи ўринга лойиқ топилганлиги ҳам бежиз эмас. Энг муҳими, бу ерда Тирасқобод маҳалласи хотин-қизларининг кўпчилиги доимий иш билан таъминланган бўлиб, уларнинг касб маҳорати, меҳнатдан манфаатдорлигини ошириш ҳақида гап-гўшга кўрсатилмоқда.

ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ БИЛАН ВАТАН РАВНАҚИ САРИ

Ўзбекистон Фермерлари кенгаши томонидан ўтказилган навбатдаги илмий-амалий семинар ана шу мавзуга бағишланди. Унда асосий эътибор Президент Ислום Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқувчи долзарб вазифаларга қаратилди.



мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашдек муҳим вазифани ушбу масалаларни ҳал қилмасдан бажариш мумкин эмаслигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Бу каби эзгу ишларни амалга оширишда фермерлик ҳаракатида ўзининг фидокорона меҳнати билан қатнашаётган барча кишлоқ мулкдорларининг ҳиссаси бор, албатта. Ана шу жараённинг давом эттириш ҳолда O'zLiDePнинг асосий электорати бўлган фермерлар кириб келаётган Соғлом она ва бола йилида турли витаминларга бой сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ҳажмини кўпайтириш лозимлигини таъкидладилар. Юртбошимизнинг маърузаси мазмун-моҳиятини аҳоли қатламлари, айниқса, ёшлар ва аёлларга содда тилда, самимий тарзда етказиш диққат марказида бўлаётганлиги бежиз эмас, албатта. Зеро, ривожланган

— Жуда катта таҳлилий материалларга асосланган мазкур маърузада ўтган даврда юртимизда давлат ва жамият ҳаётини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилган ишларга атрофлича баҳо берилди, — деди йиғилишда сўзга чиққан мазкур Кенгаш

раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Соҳибжон Турдиев. — Иқтисодиётда давлат улушини қисқартириш, барча тармоқларда сифат жиҳатдан туб таркибий ўзгаришларни давом эттириш, фермерлик ҳаракати ва тadbirkorликни жадал ривожлантириш, бизнес

субъектларининг манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, хорижий инвестицияларни янада кенг жалб қилиш учун барча зарур шароит ва преференцияларни яратиш масалалари диққат марказида бўлаётганлиги бежиз эмас, албатта. Зеро, ривожланган

ЯТТлар уч нафаргача ишчи ёллайди

Самарқанд вилоятида 2015 йилнинг ўн бир ойида 86 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Ушбу масалага бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида вилоят меҳнат ва аҳолий ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси бошлиғи Уринбосари Бекзод Раҳматуллаев таъкидлаганидек, асосий эътибор ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилмоқда. Чунинчи, касб-хунар коллежларини битирган 80086 нафар йигит-қизнинг 51 мингдан ортиғи қисқа муддат орасида ўз иш ўрнига эга бўлиб, 2547 нафари тadbirkorлик фаолиятини бошлаган.

Ташкил этилган янги иш ўринларининг асосий қисми хусусий фирмалар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Тadbirkor, шунингдек, Президентимизнинг жорий йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни ишончли ҳимоя қилиш таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тadbirkorлиги тўғрисида»ги Фармонида кўзда тутилган имтиёзлар ҳамда уларнинг амалий аҳамияти ҳақида атрофлича сўз юритилди. Жумладан, фармонга асосан янги тартибдаги тadbirkorларга ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорда сугурта бадали ҳамда янги тартибдаги иш бериувчи тadbirkorлар учун белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдорда солиқ тўлаш шартини билан 3 нафаргача ишчи ёллаш ҳуқуқи берилган, 2016 йилдан эътиборан бизнес вакиллари учун «Бир дарча» марказларининг фаолият бошлаши соҳада янги ташаббусларга йўл очиши қайд этилди.

БЎЛҒУСИ ЭКСПОРТЧИЛАР УЧУН БИЗНЕС-САЁҲАТ

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан Савдо-саноат палатаси, Марказий банк, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, ТИФ Миллий банки ҳузурдаги Кичик бизнес ва тadbirkorлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамкорлигида «Ўзбекистонда ёшлар тadbirkorлиги: ҳолати ва истиқболлари» мавзусида бизнес-форум ўтказилди.

Тadbirkor доирасида лойиҳа иштирокчилари учун турли учрашувлар, маҳорат дарслари, бизнес-саёҳатлар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Мулоқотларда вазирлик, ташкилот ва идоралар масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари иштирок этдилар. Ёш тadbirkorлар шўъбаларга бўлиниб, пойтахтимиздаги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш объектлари ҳамда тadbirkorлик субъектларини қўллаб-қувватловчи турли хил тузилмаларда бўлдилар.

Ана шундай қатнашчиларнинг бир гуруҳи ТИФ Миллий банки ҳузурдаги Кичик бизнес ва тadbirkorлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасида бўлиб, унинг фаолияти

билан яқиндан танишдилар.

Бугунги кунда мазкур жамғарма томонидан кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг турларини тизимли асосда таҳлил қилиш, уларнинг ташқи бозорлардаги рақобатдошлик даражасини аниқлаш асосида экспортга мўлжалланаётган маҳсулотнинг жаҳон ва минтақавий бозорлар талабига мос келишини таъминлаш каби маркетинг изланишлари олиб борилмоқда.

— Бугунги учрашувда маҳсулотни экспорт қилиш қоидаларини ўргандим, — дейди фарғоналик ёш тadbirkor Шаҳноза Ғаниева. — Келажакда ишлаб чиқараётган қандолат маҳсулотлари-



мизни хорижа сотиш ниятинг бор. Бугунги каби тadbirkorларнинг ўтказилиши эса бизнесимизни янада ривожлантиришда жуда қўл келади.

Очиқ баҳс-мунозара тарзида ўтказилган тadbirkor иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жамғарма мутасаддилари атрофлича жавоб қайтарди.

БУГУНГИ СОНДА:

ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ
Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув




ТАҚҚОС ВА ТАҲЛИЛ
Электорат манфаати — бирламчи



ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА
«Кимки тараққиёт билан ҳамқадам бўлмаса...»



ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ
Кичик бизнеснинг молиявий таянчи



ЮЗМА-ЮЗ ГУРУНГ

Бугунни эмас, эртани ўйлаш зарур

Ҳозирги кун ҳақида кеча бош қотириш керак эди. Шу аксиомага амал қилмаганлар муваффақиятсизликка юз тутиб, инқирозга учраши муқаррар.

Мамлакатимизда хайрли ва ҳаётбахш бир анъана қарор топдики, у ҳам бўлса, ҳар йили Конституция байрами арафасида келгусида давлат равнақи ва жамият тараққиётини янада юксак поғонага кўтариш билан боғлиқ энг муҳим вазифалар белгилаб олиншидир. Ушбу тadbirkor Бош қомус қабул қилинган куннинг тантанаси билан ўйгунлашиб кетиши олис-яқинда кўпчиликнинг ҳавасини келтираётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Юртдошларимиз эса айни шу маросимда Президент Ислום Каримов томонидан чуқур таҳлил асосида узоқни кўзлаб билдирилаётган фикрларини интиқлик билан кутишади. Чунки мазкур дастурий маърузада поёнига етаётган йил натижалари қисқача сарҳисоб қилиниши баробарида янги йилга янги ном берилади. **O'zLiDeP** **Хоразм вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Бахтиёр МЕНҒЛИЕВ билан суҳбатимиз ана шу воқеликнинг долзарб аҳамиятидан бошланди.**



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 22 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўма нисбатан қўйидаги қийматини белгилади.¹⁾
^{1) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.}

1 Австралия доллари	2002,04	1 АҚШ доллари	2794,98	1 Ҳитой юани	431,38	1 Польша злотийси	710,96	1 ЕВРО	3062,66
1 Англия фунт стерлинги	4169,55	1 Миср фунти	356,96	1 Россия рубли	39,19	1 СДР	3867,13	10 Жанубий Корея вони	23,74
1 Дания крониси	407,22	1 Исландия крониси	21,49	1 Украина гривнаси	118,70	1 Туркия лираси	960,14	10 Япония иенаси	230,48
1 БАА дирҳами	761,04	1 Канада доллари	2007,31	1 Малайзия ринггити	649,39	1 Швейцария франки	2820,36		

ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

ЭЛЕКТРОН ХУКУМАТ:

Ўзаро муносабатлардаги шаффофлик

Олий Мажлисининг ҳар икки палатасида қабул қилинган, Президентимиз томонидан имзоланган ва шу йилнинг 10 декабрь куни матбуотда чоп этилган «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни расман эълон қилинган вақтдан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради.



Эркин ХОЛБЎТАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзоси:

— Таъкидлаш жоизки, мазкур қонун давлат интерактив хизматлари сифатини яхшилаш, давлат органлари фаолияти самардорлигини ошириш, сарф-харажатларни тежаш, очиқлик ва тезкорликни таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади. Уни ишлаб чиқишда соҳага оид миллий қонунчилик инвентаризация қилинган.

Умуман олганда, мамлакатимизда бу борада амалга оширилган ишлар тизимини тартибга солувчи қонунчиликни ҳам замон талабларига мос ҳолда такомиллаштиришни тақозо этди. Хусусан, ўтган давр мобайнида интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали ижтимоий инвентаризация қилинган.

Шунингдек, мамлакатимизда 320 та рўйхатга олинган ахборот ресурслари ва 465 та ахборот тизимларини бирлаштирган ягона ахборот макони шакллантирилди. Бундан ташқари, электрон рақамли имзодан фойдаланувчилар сони йил сайин ортди, ҳозирда улар 1,4 миллиондан ошди.

Шу ўринда савол туғилади. Ҳўш, ушбу қонун О'зЛиДеР электроти бўлган тадбиркор ва ишбилармонлар учун қандай қўшимча имкониятларни юзага келтиради? Айтиш жоизки, мазкур қонун тадбиркорлар билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда электрон ҳужжат айланиши, давлат органларининг маълумотлар базалари ўртасида ҳамкорлик ва ахборот алмашиш механизмларини шакллантириш ҳисобида давлат бошқаруви тизимида «бир дарча» принципини жорий қилиш, тадбиркорлик субъектларининг статистика ва солиқ ҳисоботи, божхона расмиёлаштируви, лицензиялар, рухсатномалар, сертификатлар олиш жараёнини автоматлаштириш, нақд бўлмаган электрон тўловлар, «банк-миқоз» масофадан фойдаланиш тизимлари ва банк-молия соҳасидаги фаолиятнинг бошқа электрон шакллари ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг электрон тижорат — Интернет тармоғи орқали маҳсулотни сотиш ва харидларни амалга ошириш тизимларидан фойдаланишга шaroит яратлади.

Қонуннинг хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига янада эркинлик бериш учун уларнинг бизнес юритиш билан боғлиқ рухсат олиш мuddатларини янада қисқартириш ва соддалаштиришга хизмат қилувчи 11-моддасида электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибинин мунтазам такомиллаштириб бoриш тамойили белгиланган. Унга кўра, давлат органларининг ортқича маъмурий тартиб-таомилларини бартараф этиш, келишиб олинмаган функциялари сонини камайтириш, ариза берувчилар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар, электрон давлат хизматлари кўрсатиш мuddатларини қисқартириш кўрсатиб ўтилган.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоиз: Президентимизнинг «Электрон харидлар тизимини мақбуллаштириш ва улардан тадбиркорлик субъектларининг фойдаланишини кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ электрон савдо иштираковчиларининг юқори даражадаги рақобатини ва тенг фойдалана олишларини таъминловчи электрон савдода амалга оширилган давлат харидларининг ҳажми жорий йилнинг ўтган 9 ойда 318,9 млрд. сўмини, савдо натижалари бўйича эришилган бюджет маблағларининг тежалиши эса 92 млрд. сўмини ташкил қилди.

Мухтасар айтганда, электрон ҳукумат тизимига ўттиш мамлакатимизда АКТ соҳасининг барқарор ривожини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ-ошкоралигини, уларнинг аҳоли кенг қатлами билан ўзаро муносабатида шаффофликни таъминлашга хизмат қилади.

ВАЗИР ДЕПУТАТЛАРГА АХБОРОТ БЕРДИ

Аввал хабар қилинганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан «Ўзбекистонда сувни тежовчи технологиялардан фойдаланиш ҳолати ва унинг самардорлигини ошириш истиқболлари, қишлоқ хўжалиги корхоналарида замонавий техника ва технологияларни жорий этиш тўғрисида» асосланган ахборот олиш мақсадида парламент сўрови юборганди. Орадан муайян мuddат ўтгач, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Шўҳрат Тешаев парламент қўйи палатаси йиғилишида сўровда кўрсатилган йўналишлар бўйича депутатларга батафсил ахборот бериши баробарида сиёсий партиялар фракциялари вакилларининг саволларига жавоб қайтарди.



сўралган эди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, парламент сўровини тайёрлаш ва вазирнинг ахборотини эшитиш жараёнида О'зЛиДеР фракцияси маъсуллигидаги Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси мутасаддилари фаол қатнашишди. Қўн тартибдаги масала юзасидан О'зЛиДеР фракциясининг аниқ позициясини фракция аъзоси Зафар Ханязов баён қилди. Унда жумладан, Президентимизнинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси VII Съездидаги маърузасида «Сув ва ер ресурслари чекланган бизнинг шароитимизда ирригация ва мелиорация ишларини давом эттириш, ерларнинг унумдорлиги ва ҳосилдорлигини янада ошириш, энг янги агротехнологияларни жорий этиш — айнан шу йўналишлар қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишнинг ҳал қилувчи масалалари бўлиб, улар доимо бизнинг эътиборимиз марказида бўлиб қолади», дея таъкидлаган фикрлари моҳияти

тига депутатлар эътибори қаратилди. Қонунчилик палатаси томонидан қишлоқ ва сув хўжалиги вазирга юборилган парламент сўровида «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунда белгиланган сувни тежовчи технологияларни ва илғор суғориш техникасини жорий этиш орқали суғориш воситалари ва ускуналарини такомиллаштиришга қаратилган нормаларнинг вазирлик томонидан бажарилиш ҳолати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги «2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг амалдаги ижроси, шунингдек, мамлакатимизда сувни тежовчи технологиялардан самарали фойдаланиш ҳамда уларни жорий этишни жадаллаштириш мақсадида амалдаги меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштириш юзасидан олиб бoрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот бeрилиши

55 та сув омбори, 4124 та суғориш тик қудугини ўз ичига олади. Юқорида кўрсатиб ўтилган қарорни бажариш борасида 2013-2015 йиллар даврида 2575 километр узунликдаги коллектор тармоқлари реконструкция қилинди ва қурилди. 36 минг 957 километр узунликдаги очиқ ва 1 минг 564 километр ёпиқ горизонтал дренаж тармоқлари таъмирланди ва тикланди. «Ўз-мелиомашлизинг» давлат лизинг компанияси орқали 477 дoна замонавий мелиоратив техника ва механизмлар харид қилинди. Шу билан бирга, 2013-2015 йилларда жами 890 километр узунликдаги каналлар, 193 километр лоток тармоқлари, 42 та гидротехник иншоот, умумий қуввати 32,9 м³/с бўлган насос станциялари, 323 миллион м³ сигимли сув омборларида қурилуш ва реконструкция ишлари амалга оширилди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Шўҳрат Тешаев парламент қўйи палатасидаги фракцияси аъзоси Зафар Ханязов билан суҳбат қилди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Шўҳрат Тешаев парламент қўйи палатасидаги фракцияси аъзоси Зафар Ханязов билан суҳбат қилди.

зиригинг ахборотида қайд этилганидек, замонавий суғориш техника ва технологияларини жорий этиш борасида ўтган йиллар давомида республика бўйича 18,5 минг гектар майдонга томчилик суғориш тизими, 18,4 минг гектар ерга эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш тизими, 16,3 минг гектар майдонда эгاتларга плёнка тўшаб суғориш усуллари жорий этилиб, улардан самарали фойдаланиб келинмоқда.

Депутатлар вазирлигининг мазкур соҳадаги фаолиятини амалга оширишда мавжуд имкониятлардан янада кенроқ фойдаланиш, вазирлик тизимидаги мутасадди идораларнинг маъсулиятини ошириш лозимлиги, давлат бюджети ҳисобидан ажратилаётган маблағлардан тўлиқ ва самарали фойдаланишга эришиш, соҳага чет эл инвестицияларини кенроқ жалб қилиш, шунингдек, мамлакатимизда сувни тежайдиган бошқа замонавий суғориш технологияларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб бoрилаётган амалий ишларни янада кучайтириш, мазкур соҳанин хуқуқий асосларини такомиллаштириш зарурлигини таъкидладилар.

Муҳокама даврида билдирилган фикр-мулоҳазалар инобатга олинган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ахборотини маълумот учун қабул қилди.

Парламент сўрови якунлари бўйича Қонунчилик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди.

Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув



Қуни кеча О'зЛиДеР Сиёсий Кенашини Ижроия қўмитаси ва партиянинг парламент қўйи палатасидаги фракцияси мажлосида ўтказилган илмий-амалий семинарда ҳам худди шу масалага оид яна бир ҳужжат муҳокама қилинди. Унда асосий эътибор иккинчи ўқишга тайёрланаётган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасининг маъмурий-моҳиятга қаратилди. Суъза чиққанлар, жумладан, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Илҳом Носиров аамалдаги қонуннинг айрил нормаларига уларнинг амалиётда турли хил қўлланилишига барҳам бериш мақсадида аниқлик киритилаётгани хусусида йилланларга батафсил маълумот берди. Шунингдек, партия дастурий мақсадларига мос бўлган мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши акциядорларнинг, айниқса, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секториде акциядорлик жамиятлари фаолияти муҳим ўрин тутати. Маълумки, бундай шаклда тузилган ташкилотларнинг молиявий жиҳатдан барқарорлиги уларнинг бозор талабларига мослашувчанлиги ва чидамлилигини оширади.



Элбек ШУКУРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзоси:

— Юртимизда мазкур йўналишда олиб бoрилаётган ислохотларнинг изчиллиги бу борада муносабатларнинг ҳуқуқий механизмлари янада мустаҳкамлашни тақозо этмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида иккинчи ўқишга тайёрланаётган «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услублари жорий этилиши муносабатига билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам шу тўғрисида ишлаб чиқилган.

Ушбу қонуннинг кучга кириши тизимини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этиб, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини самарали шакллантириш ва уни амалиётга жорий этиш бўйича талабларни аниқ белгилаб беради. Соддароқ айтганда, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини миллий қонунчилигимизга киритиш имкони туғилади. Бинобарин, қонун лойиҳаси орқали «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида», «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида» ва «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонун қонунларига, шунингдек, Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилади.

Эътиборга молик жиҳати, қонун лойиҳаси О'зЛиДеР Сайловди дастурида илгари сурилган мақсадлар, яъни иқтисодиётнинг барча тармоқларига хусусий сармоядорларни жалб этиш, санаот ва унинг етакчи тармоқларида хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлаш каби вазифаларга уйғундир. Шу маънода олиб қарайдиган бўлсак, мазкур қонун лойиҳаси тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органлари ваколатлари тааллуқли бўлган масалалар бўйича давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан қарорлар қабул қилиниши ёки бу субъектларга тақдиминона ва кўрсатмалар берилишига йўл қўйилмаслиги корхоналарни стратегик жиҳатдан бошқаришда акциядорларнинг ролини янада оширишга хизмат қилади.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, қонун лойиҳаси бундан буён акциядорлик жамиятлари бошқарув ходимлари сифатида четдан жалб қилинган хорижий мутахассисларга ва улар сармоя киритган акциядорлик жамиятлари учун тегишли имтиёزلар, енгилликлар яратилиши ва бу орқали хорижий мутахассисни, шу фаолиятдан олган даромадларига даромад солиғи солинмаслиги ва жамиятларга жалб қилинган чет эллик мутахассиснинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов ҳисоблаб чиқарилмалигини кўзда тутувчи нормалар билан бойитилмоқда. Зотан, партиямиз дастурида белгиланганидек, фаол инвестицион сиёсат юритиш, солиқ юқини енгиллаштириш, юқори технология тармоқлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай шароитларни яратиш мамлакат иқтисодиёти модернизациялашувининг гаровидир.

Хулоса қилиб айтганда, қонун лойиҳаси биринчи галда соҳага оид ҳуқуқий асосларнинг тизимлигини таъминлайди. Уларнинг нормалари ва ижро механизмларини бирхиллаштириб, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув муносабатларининг тўлақонли тартибга солинишига хизмат қилади.

Кичик бизнесга катта йўл



Дилфуза УРОЛОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзоси:

— Қаерда қонунлар адолат тамойиллари асосида ҳалқ манфаатларига хизмат қилса, ушай юрда аҳоли тинч-фаровон ўшади. Фикримиз тасдиғини бугунги Ўзбекистон мисолида яққол кўриш мумкин. Шу маънода одамларнинг осойишта ҳаёт кеңириши, эркин ижод ва меҳнат қилиши, илм олиши учун зарур бўлган барча ҳуқуқлар, энг аввало, мамлакат Конституциясида муҳрлаб қўйилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Кези келганда, Бош қомус тамойиллари асосида истиқлол йилларида республикамизда кенг қўлламли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар амалга оширилиб, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида қўллаб қўнунлар, фармон ва қарорлар қабул қилинганини қайд этиш керак. Бунинг самараси ўлароқ кичик бизнес субъектларига имтиёз ва преференциялар берилди. Мулкдорлар ҳуқуқлари ҳимояси мустаҳкамланди. Жумладан, хусусий тадбиркорликни ташкил этишга қўмлақлаш тизими сезиларли равишда соддалаштирилди. Улар фаолиятига оид интерактив хизматлар жорий этилиб, соҳа вақилларига кредит-

лар ажратиш қўлами ортди. Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, Президентимизнинг 2015 йил 15 майда имзоланган «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиши таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада олиб бoрилаётган ишларга янгича маъмурий бағишлади. Нега деганда, мазкур фармон асосида амалдаги 33 та қонун ва 10 та кодексга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда суд органларининг ролини ошириш мақсадида мулкни фақатгина суд қарори асосида мусодара қилиш механизми жорий қилинди. Яъни, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонундан божхона ва солиқ органлари, Бош прокуратура хузуридаги Солиқ, валютга оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг маъмурий ҳуқуқбузарлик ашёси бўлган мулкни мусодара қилиш

ваколатлари чиқариб ташланди. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектлари орасидаги низоларни тезкорлик билан кўриб чиқиш, қонуний ҳал этиш мақсадида Ҳўжалик-процессуал кодексига хўжалик судлари томонидан даъво аризаларини иш юритувчи қабул қилиш ва ишларни суд муҳокамасига тайёрлаш мuddатларини 10 кундан 5 кунгача, шунингдек, давлат ёки бошқа органнинг ҳужжатиини ҳақиқий эмас, мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиғини) ноқонуний деб топиш бўйича ишларни кўриш мuddатини 30 кундан 15 кунгача қисқартиришни кўзда тутадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Қонун ҳужжатларида бундай янгиланишлар О'зЛиДеР Сайловди платформасида белгиланган вазифарларга ҳамоҳанглиги билан аҳамиятлидир. Зеро, партия фермерлар, тадбиркорлар ва ўз электоратининг бошқа вақиллари манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунчилик базаси ҳамда механизмини такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда хўжалик судларининг ролини кучайтириш тарафдоридир.

Маълумки, қонунчилигимизга биноан корпоратив низолар бўйича ишларни кўриш хўжалик судларига тааллуқлилиги кўрсатилган бўлса-да, уларнинг бир қисми, яъни хусусий тадбиркор, оилавий корхона, жамоа корхонаси фаолиятдан келиб чиқадиган низолар умумий юрисдикция судлари томонидан қурилар

эди. Эндилқда бу ҳолат бартараф этилиб, барча корпоратив низоларнинг хўжалик судларига тааллуқлилиги белгиланди. Шу ўринда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириши таъминлаш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда Жиноят кодексига янги бoб киритилганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Юқорида Президентимиз фармони асосида ишлаб чиқилган тадбиркорлар манфаатларига хизмат қилувчи ҳуқуқий қафолатлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтдик. Энди мазкур масаланида муҳиятига эътибор қаратсак. Яъни, қонунчиликда акс эттирилаётган мазкур янгилликлар тадбиркорлар учун қандай имкониятларни яратиш бeради?

Биринчидан, тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёз ва преференцияларни амалга ошириш устидан ягона назорат механизми жорий қилинганлиги, бундан ташқари, тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги низоларни кўриб чиқиш мuddатларини қисқартирилганлиги уларнинг ортқича вақт ва маблағларни сарфлашининг олдини олади.

Иккинчидан: мулкни фақат суд қарори асосида мусодара қилиш ҳақидаги ўзгартишлар тадбиркорларда ўз бизнесини юритишга бўлган ишонччи оширади. Учинчидан: хўжалик судларига ҳуқуқбузарлиқнинг моҳияти, енгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги ва тадбиркорнинг моддий аҳоли ҳисоба олиниб, жарима

санкциялари суммасини қўйи чегарадан паст қилиб камайтириш ҳуқуқининг берилганлиги ҳам тадбиркорлар томонидан йўл қўйилган ҳуқуқбузарлик ҳолатидан тўғрисида хулоса чиқариш, қайтадан бизнeсини қонун асосида йўлга қўйишда алоҳида аҳамиятга эгадир. Тўртинчидан: солиқ текшируви натижаларига кўра қўзғатилган жиноят ишлари кирим қилинмаган товарлар ҳуқуқбузарлик предмети сифатида давлат фойдасига ўтказилган ҳолатларда хўжалик судлари томонидан кирим қилинмаган товар қиймати миқдоридан молиявий санциялар қўлланилмаслиги битта ҳуқуқбузарлик учун бир неча жавобгарлиқнинг олдини олишга қаратилганлигини кўришимиз мумкин.

Бешинчидан: Маъмурий жавабгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда Жиноят кодексига Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва преференцияларини қўллаб қўнуний манфаатларига қарши қаратилган жиноятлар билан боғлиқ янги бoб киритилганлиги эса тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳимояси сезиларли даражада кучайтирилишини таъминлаш баробарида уларнинг ҳуқуқлари бузилишининг ҳам олдини олади.

Бир сўз билан айтганда, ишбилармонлар йўлига тўсиқ бўлаётган бюрократик гoвларнинг бартараф этилиши уларнинг салоҳият ва имкониятлари тўла рўёбга чиқишига ёрдам бeради. Бу эса иқтисодиётнинг ўсиши ва халқимиз турмуш фаровонлигининг янада юксалишида муҳим омилирдан биридир.

2016 ЙИЛ — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

БУГУННИ ЭМАС, ЭРТАНИ ЎЙЛАШ ЗАРУР

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

— Давлатимиз раҳбарининг бу галги чиқишида ҳам изчил ислохотлар ва модернизация жараёнларининг ҳар бир иштирокчиси учун янги йўналишлар кўрсатиб берилди. Айтинчи, уларни амалга оширишда O'zLiDeP вилоят кенгаши ўз олдига қандай аниқ вазифаларни бажаришни мақсад қилиб қўйди?

— Авваломбор, партия вилоят кенгаши йиғилишида кенг қўламли маъруза билан яна бир бор яқиндан танишиб, унинг мазмун-моҳиятини ўргандик. Қимматли кўрсатмалардан келиб чиққан ҳолда, кечиктириб бўлмайдиган вазифаларимизни етти асосий йўналишга ажратиб олдик. Уларнинг ижросига эса янги йил кириб келишини қўтиб ўтирмадан киришдик. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурига тақдирлар қилиш учун партия фаоллари, O'zLiDePдан сайланган турли бўғин депутатлари, илғор БПТлар раислари, электроташкилотларнинг фикр-мулоҳазалари ва тавсияларини жамлаяпмиз. Ана шундай фикр алмашувларни партиянинг ҳар бир туман кенгашида, ҳар бир бошланғич ташкилотда ўтказамиз. Бунда ўз фаолиятимизга танқидий нуқтаи назар билан ёндашиш айтиш мумкин, деган тўхтамга келдик.

Маърузада одамларнинг онгу тафаккурида рўй бераётган туб ўзгаришлар, уларнинг ён-атрофдаги воқеаларга муносабати, фадлдорлик ҳисси, сиёсий фаоллиги ва фуқаролик позицияси тобора ўсиб бораётгани таъкидлангани бежиз эмас. Зеро, сиёсий фаоллик бизнинг бугунги ва эртанги фаолиятимизнинг бош мезонидир. Бунда беш йилдан буён наинки сиёсий партиялар, балки бутун жамиятимиз ҳаётининг ўзига ҳос йўл ҳаритаси бўлиб келаётган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Яқинда кучга кирган «Ижтимоий шериклик тўғрисида», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида» қонунлар ҳам иқтисодий ислохотлар ва демократик янгиланишлар жараёнининг янги босқичларини бошлаб бериди. Саволингизнинг қисқача жавоби эса қуйидагича: партия мана шу изчиллик ва шиддатга мос лойиҳаларни нафақат ҳаётга татиқ этиши, балки унинг таъсирчанлигини таъминлаши, келажақ учун хизмат қилишига эришиши керак. Чунки Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганидек, бугун бугунни эмас, эртани ўйлаб иш тутиш зарур. Бугунги кун ҳақида кеча бош қотириш керак эди. Шу ақсомага амал қилмаганлар

муваффақиятсизликка юз тутиб, инкирозга учраши муқаррар. Кези келганда, яна бир нарсани аниқ айтиш керак: ҳар қандай сиёсий партия, унинг ҳудудий ва қўйи ташкилотлари ўзи фаолият кўрсатаётган минтақа ҳаётининг томир уришини яхши ҳис қилиши, энг муҳим соҳалардаги ўзгаришларни пайкай олиши, бу жараёнларда фаол иштирок эта билиши керак. Яъни, сизга давлатимиз раҳбарининг маърузасида Хоразм вилоятининг саноат салоҳиятини ошириш борасидаги натижаларга мамнуният билан тўхталиб ўтилганини ҳам эслатмоқчиман. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2013-2015 йилларда Хоразм вилоятининг саноат потенциалини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори воқо раванқидан янги саҳифалар очди. Мисол учун, тугаётган йилнинг биринчи ярмида «Хоразм автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси» маъсулияти чекланган



А Шовот туманининг Чиғатой-қалъа қишлоғида барпо этилган маъсулияти чекланган жамият шаклидаги «Uztex Showot» қўшма корхонасининг ўз ўрни бор. Истиклолимизнинг 24 йиллик байрами арафасида «Uztex Showot» таркибидан яна бир қўшма корхона — «Шовот текстиль» фой-

даланига топширилди. Бу ютуқ 28,5 миллион АҚШ доллари миқдоридан тўғридан-тўғри инвестиция самараси бўлиб, унда 9,5 минг тонна пахта толаси қайта ишланиб, рақобатбардор маҳсулотга айлантирилади. Энг муҳими, маҳсулотнинг 80 фоизи экспортга жўнатилади. Корхонада ишалаётган 285 нафар малакали ишчининг катта қисми партияимиз аъзолари. Шу боис корхонада O'zLiDePнинг нуфузи жуда баланд. Хоҳласангиз бундай мисоллардан бир нечтасини келтиришим мумкин.

▼ ЮРТБОШИМИЗ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАГАНИДЕК, БУГУН БУГУННИ ЭМАС, ЭРТАНИ ЎЙЛАБ ИШ ТУТИШ ЗАРУР. БУГУНГИ КУН ҲАҚИДА КЕЧА БОШ ҚОТИРИШ КЕРАК ЭДИ. ШУ АҚСИОМАГА АМАЛ ҚИЛМАГАНЛАР МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИККА ЮЗ ТУТИБ, ИНҚИРОЗГА УЧРАШИ МУҚАРРАР.

жамиятида 15 371 дона «Damas DLX», 1320 дона «ORLANDO» русумли замонавий автомобиллар ишлаб чиқарилди. Эътиборли жиҳати шундаки, бу корхонада O'zLiDePнинг 841 нафар аъзоси меҳнат қилади. Улар партияимизнинг вилоятдаги энг йирик бошланғич партия ташкилотига биришган. Маслақдошларимиз амалга ошираётган ишлар эса O'zLiDeP Сайловолди платформасида саноат йўналишида белгилаб олинган устувор мақсадларга тўла мос келади.

Шунингдек, жорий йилнинг дастлабки 9 ойи давомида вилоятда 982 миллиард сўмлик саноат товарлари тайёрланиб, унинг 8 миллион 316 минг АҚШ доллари миқдоридан бўлаги экспортга жўнатилади. Биз вилоятдаги саноат корхоналарида партияимиз нуфузини ошириш, улардаги аъзоларимизнинг сонини кўпайтириш, хайрихоҳларимизни бирлаштирган БПТларнинг ишини жонлантиришга ҳаракат қилаяпмиз.

— **Ғалипғизни бўлганимиз учун узр. Партия қўйи ташкилотлари охириги саноат салоҳиятини оширишга қўшаётган улуси тахсинга лойиқ. Айтиш мумкин, бугун бугунни эмас, эртани ўйлаб иш тутиш зарур. Бугунги кун ҳақида кеча бош қотириш керак эди.** Шу ақсомага амал қилмаганлар

Навой давлат кончилиги институтининг 23 йиллиги муносабати билан O'zLiDeP вилоят кенгаши, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти минтақавий филиали мутахассислари, халқ депутатлари Навоий шаҳар кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари, БПТ раислари, институт профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирокида «Аёл ва қонун», шунингдек, «Осойишта сарҳадлар» мавзуларида давра суҳбати ўтказилди.

Мусаффо осмон остидаги осойишта сарҳадлар

Мансур АСЛОНОВ, «XXI asr»

Унда мамлакат Конституциясини яратиш гоёси собиқ иттифоқнинг зуғумкор таъсир кучи гурираб турган ва ҳали мустақиллик ҳақида ҳеч қимса ўйлаб ҳам кўрмаган даврда илгари сурилгани ёшларга аниқ мисолларда ҳикоя қилиб берилди. Бунинг ўзига ҳос сабаблардан бири халқимизнинг озодлик сари интилиши бўлса, иккинчиси — жамиятининг барқарор ривожланишини таъминлаш, иқтисодий ва сиёсий муносабатларни демократлаштириш, суверен давлатнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, истиқлол ва тараққиёт йўлини ҳуқуқий жиҳатдан қафолатлаш зарурати эди. Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг кўзга кўринган сивасатшунос, ҳуқуқшунос, иқтисодчи олимлари, етуқ жамоат арбобларидан иборат 64 кишилик комиссия иш бошлади. Мазкур комиссиянинг Президент Ислоом Каримов раислигида бўлиб ўтган биринчи таъиниш мажлисида келажаги буюк давлатнинг Асосий қонуни ўзбек халқининг муносиб турмуши, ҳуқуқлари ва эркинликларини қафолатлаши, миллий қадриятларимиз ва маданиятимизни қайта тиклаши, инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамоллигини таъминлаши керак деган вазифа қўйилди. Ва шу тариқа, ҳар бир сатрида халқимизнинг ушлаган асрий оғзуларини қонуний асосларда мустақам қилган, умумэътироф этилган тамойилларга тўла жавоб берадиган демократик ва халқчил Конституция яратилди.

Истиклол туғайли мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар учун муносиб турмуш тарзини яратиш бўйича берилаётган энгиллик, имтиёз ва преференциялар, умуман, дунё ҳамжамияти томонидан ривожланишнинг «ўзбек модели» дея эътироф этилган кенг қамровли ислохотлар тағ заманида ҳам Бош қонунимиз — Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини мустаҳкам пойдевор бўлиб турибди.

Ўзаро фикр алмаштириш ва савол-жавоб тарзида ўтган давра суҳбати сўнигида динни ўзига нисбат қилиб олган қора кўчаларнинг Ислоом халифатини ташкил этиш йўлидаги манфур қилмишларини фош қилувчи видеофильм намойиш этилди.

— **Раҳмат Энди эътиборни маърузадаги навбатдаги йўналиш — бозор муносабатларига асосланган индустриал давлат кураётганимизга алоҳида урғу берилгани, қишлоқда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, айниқса, фермерлик ҳаракатини такомиллаштириш зарурлиги яна бир бор таъкидланганига қаратас.** **Биринчи на мелиорация масалалари, Тошсоча ирригация тизимини такомиллаштириш борасида қилинган ишлар воҳа дехқонининг юз йиллик ғорзуси эмасми?**

— Жуда ўринли таъкид. Мелиорация ва ирригация соҳасидаги ишларни қўрилмаган ишлар оида-боболаримизнинг наинки юз, балки минг йиллик армони эди.

Биланам, сиз, мухбирлар дарҳол аниқ мисоллар, рақамлар, кўрсаткичларга ўтинг, дейсизлар. Шунинг учун сўрасангиздан олдин айтаман. Вилоятда жорий йилда 199 минг тонна бугдоя етиштирилди. Албатта, ғалачиликда улкан тажриба мактабимиз бор. Аммо вилоятдаги барча тоифадаги хўжалиқлар томонидан 59,3 минг тонна картошка олингани агар соҳада юз бераётган туб бурилишларнинг тасдиғи бўла олади, деб ўйлайман. 2015 йилнинг 1 июль ҳолатига йирик шохли қорамоллар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,2 минг бош, шу жумладан, сигирлар 9,0 минг бош, қўй ва эчкилар 2,5 минг бош, паррандалар 135,0 минг бошга кўнайди. Фермер хўжалиқларининг кўпчилигини партияимиз аъзолари бошқараётгани учун чорвачилиқдаги ўзгаришларни биз жорий ишимизнинг муҳим қисми, деб ҳисоблаймиз. Яна

Аҳоли саломатлиги учун масъулмиз

Тарихи минг йилликлар билан ўлчанадиган юртимизнинг буюк ўтмиши, урф-одат, анъана, қадрият ва осори-атиқалари, дунё илм-фани тамал тошини қўйган улуг алломулар бор. Қайси бир соҳани олиб қараманг, буюк бобоқалонларимиз қилган улкан кашфиётлар, яратган бебаҳо ва дурдона асарларга дуч келамиз.

Маҳфуза ҲАМРОЕВА, Навоий вилояти «Она ва бола скрининг» маркази директори, халқ депутатлари Навоий шаҳар кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси

Бу эса ўзбек халқи ўтмишида ҳам оқилу фозиллар авлоди бўлганлиги, ота-боболаримиз азалдан фарзандлар тарбияси, уларнинг билим олиши, комил инсонлар бўлиб вояга етишига қатта эътибор қаратганларидан далолат беради. Зеро, муқорак Ҳадиси шарифларда «Бешиқдан қабригача илм изла», деган мисрлар бежизга битилмаган.

Бундан йигирма тўрт йил олдин кўлга киритилган буюк истиклол, мухтарам Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан «ўзбек модели» дея эътироф этилган ривожланишнинг беш асосий тамойили эса халқимиз учун имконият эшикларини янада кенроқ очиб, ёрқин тараққиёт йўлини белгилаб берди. «Фаҳат соғлом миллат, соғлом

бир томони, O'zLiDeP таъсис этган қатор истиқболли лойиҳалар қишлоқда ислохотларнинг изчил бориши, маҳаллий ёшларнинг ўз бизнесини йўлга қўйишига имкон яратмоқда. Маълумот учун келтириб ўтишим мумкинки, вилоятдаги 14 563 нафар партия аъзосидан 7885 нафари хусусий корхона, 2176 нафари фермерлик ҳаракати вакилидир. Мавжуд 771 БПТдан 122 таси фермер хўжалиқларида ташкил этилган.

— **Мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгараётгани, юз йилларга татийдиган бўнёркорлик қўламини? Бу бевоқифа Хоразм вилоятининг бугунги баравж тараққиётига ҳам тўла тааллуқли, шундай эмасми?**

— Албатта. Президентимизнинг Урганч шаҳри Бош режасини амалга ошириш, вилоятини ободонлаштириш ҳамда аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни тубдан яхшилашга оид қарори асосида ушбу мақсадларга жами 1 триллион 579 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бугунги кунгача дастурда белгиланган лойиҳаларнинг катта қисми амалга оширилди. Жумладан, 2013-2014 йилларда режадаги 609 миллиард сўм ўрнига 849, 3 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Жорий йил охиригача 340 миллиард сўмлик қурилиш ишлари урдалангани. 2013-2014 йиллардан 15 таси намунавий маҳаллаларга айлантирилди, уларда ички йўллар, йўлакларга асфальт ётқизиладди, барча турдаги коммуниқация тизимлари тартибга келтирилди. Шовот каланининг шаҳар ичидан ўтувчи 7,3 км қисмининг икки қирғоғи бетонлаштирилди. Қўшоқда мамлакатнинг қатор ҳудудлари бинокорлари томонидан 48 миллиард сўмдан зиёд капитал маблағ ўзлаштирилиб, 55 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объекти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Табиийки, партияимиз электроташкилот ушбу жараёнда бевоқифа иштирок этди.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбарининг маърузасидан келиб чиқиб белгиланган еттига устувор йўналишимиз ичидан оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ ишлар биринчи даражада аҳамият касб этади. Зеро, юқорида қайд қилиб ўтилган партия аъзоларидан 5722 нафарини аёллар ташкил этади. 183 БПТни ҳам айнан хотин-қизлар бошқармоқда. Шу рақамларнинг ўзиде янги йилда қиладиган ишларимиз қўламыдан дарак бериб турибди, деб ўйлайман.

«XXI asr» мухбири Янгибой ҚўҚОРОВ суҳбатлашди.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2016 йилни мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили деб эълон қилгани юртдошларимиз томонидан халқпарвар сиёсатнинг узвий давоми сифатида эътироф этилмоқда. Зеро, мазкур ташаббус аёлга, ўсиб-улғайиб келаётган ёш авлодга, демакки, келажакка эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Кўрсаткичларни яхшилашга салоҳиятимиз етади



Равшанбек ЕГИТАЛИЕВ, O'zLiDeP Бағдод туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, биринчи навбатда, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масаласи энг муҳим ва устувор вазифа сифатида белгилангани бежиз эмас, албатта. Чунки оила — муқаддас, оила — миллат шан-шавқатини, шарафини, ор-номусини юқори мартабага кўтарувчи тарбия ўчоғидир.

Маълумки, O'zLiDeP Сайловолди платформасида соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, замонавий тиббиётнинг энг сўнгги ютуқларини амалиётга татиқ этиш, юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг ролини ошириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш партиянинг ижтимоий, гуманитар, маънавий соҳалардаги, жамиятни интеллектуал ривожлантириш борасидаги устувор вазифалари сирасига киритилган. Бинобарин, миллат камолоти, мамлакат равнақи фуқароларнинг, хусусан, она ва боланинг хотиржамлиги, саломатлигига боғлиқ. Қайси юртда оналар ва болалар бахтиёр бўлса, эртанги кундан кўнгли тўқ бўлса, бу ўлканинг истиқболли нурафшон бўлади.

O'zLiDeP Бағдод туман кенгаши ҳам мазкур йўналишда қўллаб-қувватлаётган. Буларнинг барчаси катта куч, албатта. Шу боис юқори партия органлари томонидан берилган вазифаларни ҳамиша урдалаб келаяпмиз. Хусусан, партия ташкилотимизга ўтган ойда O'zLiDeP вилоят кенгашидан берилган 35 та топшириқнинг ҳаммаси ўз вақтида бажарилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида кенгашимиз ва қўйи бўғинларимизга аҳолидан 41 та мурожаат тушди. Уларнинг 39 таси ижобий ҳал этилди. Шунингдек, ўтган 11 ой ичида депутатларимиз мутасадди идораларга сайловчилик, электроташкилот вакиллари манфаатлари ифодаланган 98 та сўров юборди. Шу сингари мисолларни яна давом эттириш мумкин. Қисқаси, мазкур рақамларда ақл этган имкониятларимизни келгуси йилда янада тўлароқ ишга солишимиз керак. Зеро, давлатимиз раҳбари «Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади» деган ҳаётга бағишлаган ғояни юқори сурдилар.

Мухтасар айтганда, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни вояга етказиш учун керакли шарт-шароитларнинг янада яхшиланиши, такомиллашувига партиявий воситалар билан муносиб ҳисса қўйишни астойдил мақсад қилганмиз.

Муаммони жойида ечиш имкони

Бухорода Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси ва партия вилоят кенгаши ҳамкорлигида Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифаларга оид давра суҳбати ташкил этилди.

Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr»

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси маъсул ходимлари, маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари иштирокида ўтказилган тадбирни партия вилоят кенгаши раиси Фармон Аминов кириш сўзи билан очди.

— Юртбошимиз маърузасида «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида мамлакатимиз иқтисодида амалга оширилган ишларга алоҳида эътибор қаратилди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси Жамол Носиров. — Жумладан, инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиқиб, йил давомида 2 млн. 750 минг нафар отахон ва онахонларнинг пенсия миқдори 20 фоиздан кўпайтирилганлиги, уларга давлат бюджети ҳисобидан 12 трлн. 888 млрд. сўм миқдорда пенсия тўланганлиги алоҳида таъкидланди. Бугун вилоятда ҳам Давлат дастури асосида нурунийлар учун муносиб турмуш ва дам олиш шароитларини яратиш, жамият ҳаётида уларнинг иштирокини кенгайтириш, бой тажрибаларидан унумли фойдаланиш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, дастур доирасида 2015 йилнинг ўтган 11 ойи мобайнида 180,1 млрд. сўм ҳамда 132,5 минг АҚШ доллари миқдорда маблағ сарфлангани фикримиз далилидир.

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири Адаҳам Хўсейновнинг фикрича, Президентимиз маърузасида қадимги дунё дошиманларининг «Нимаки қонуний

бўлса, у — адолатлидир», деган сўзлари бежиз тилга олиб ўтилгани йўқ. Зеро, бугунги кунда маҳаллий кенгаш депутатлари зиммасига катта масъулият юклатилган. Улар ҳудудларда ижтимоий адолатни қарор топтириш, қонун устуворлигини таъминлаш, энг муҳим масалалар юзасидан жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда маъсул эканликларини унутмасликлари лозим.

— Замон олдимизга янгидан-янгилари талабларни қўймоқда, — дейди Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси раҳбари, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Жасур Болтаев. — Фуқароларнинг ҳар бир мурожаати амалдаги қонунларга мувофиқ маҳаллий ҳокимлик тизими маъсул ходимлари, партия депутатлик гуруҳлари иштирокида ижобий ҳал этилиши лозим. Шундангина ижтимоий адолат қарор топиб, ҳар қандай муаммони ўз жойида ечиш имкони туғилади.

Давра суҳбатида Соғлом она ва бола йилида O'zLiDeP вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари олдида турган долзарб масалалар юзасидан атофрқича сўз юритилди. Давлат ва ҳудудий дастурларга киритиш учун муҳим партиявий тақриф-тавсияларни тайёрлаш зарурлиги таъкидланди.

Тадбирда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳларининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги иштирокини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда O'zLiDeP фаоллари кучидан самарали фойдаланиш, партиявий лойиҳалар ижросини таъминлаш ва бошқа бир қатор масалалар юзасидан атофрқича сўз юритилиб, Президентимизнинг тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқадиган энг муҳим вазифалар белгилаб олинди.

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ СЕССИЯГА ИККИТА МАСАЛА КИРИТДИ

Депутатлик гуруҳи партияни электротат билан боғловчи муҳим ришта, таъбир жоиз бўлса, кўприқдир. Гуруҳимиз ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида акс этган механизмлар асосида назорат-таҳлил тарзида ва замонавий усулларда олиб бораётир. Депутатларимиз томонидан Қарши шаҳар кенгаши сессияларига 2 та долзарб масала киритилди. Қонун ҳужжатлари, Давлат дастурлари ижросини таъминлашга оид беш нафар мансабдор шахс ҳисоботини эшитдик. Электротат манфаатлари назарда тутилган ҳолда тегишли ташкилотларга 60 дан ортиқ сўровнома юборилди.



Кексалар ҳамиша ардоғимизда

Ўзбекистон тарихига Кексаларни эъзозлаш йили сифатида кирадиган 2015 йил ҳадемай поёнига етади.

Рисолат МАДИЕВА

Ана шу йилда қарияларни қадрлаш йўналишида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари билан бир қаторда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси томонидан ҳам тизимли ишлар амалга оширилди. Хусусан, «Касаба уюшмалари — Фахрийларга» акцияси доирасида 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларининг ҳар бирига 300 минг сўмдан пул муқофоти топирилди. 43 минг 567 нафар ёлғиз кексага озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар харид қилиш, уй-жойини таъмирлаш, коммунал хизматларга ҳақ тўлаш кўринишларида жами 7 млрд. 750 млн. сўмликка яқин моддий ёрдам кўрсатилди. Умумхалқ байрамлари муносабати билан республикамизнинг барча ҳудудларидаги «Саховат» ва «Мурувват» уйларида яшовчилар ҳолидан хабар олиниб, маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Тизимдаги 15 та дам олиш ва соғломлаштириш маскани, шу жумладан, «Турон», «Ховатог», «Чимён», «Ситораи Моҳи Хоса», «Косонсой» санаторийлари, «Аҳмад Ал-Фарғоний» дам олиш уйида катта ҳажмдаги қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, уруш ва меҳнат фронти фахрийлари бўлимида ошди.

2015 йилнинг 30 ноябрь ҳолатига ана шундай сиҳатгоҳларда республика бўйича жами 11 минг 458 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийси давлат бюджетни ҳисобидан бепул соғломлаштирилди.

Ташкилот ва муассасалардаги бошланғич касаба уюшмалари қошида «Фахрийлар кенгаши» ташкил этилиб, мазкур корхоналардан пенсияга чиққан ва бугунги кунда қариллик гаштини суратган отахон ва онахонлар ҳолидан хабар олиш, уларнинг бой ҳаётини тажрибалари орқали ёшларни шукроналик руҳида тарбиялашга кўмаклашиш тадбирлари амалга оширилди.

Кекса авлод вакилларининг ҳурмати жойига қўйиш жараёнини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш мақсадида театр, концерт ва бошқа маданий тадбирлар ташкил этилиб, спортнинг шахмат-шашка, стол тенниси турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Ҳаваскор велоспортчилар ўртасида уюштирилган «Касаба-Тур» веломарафонининг барча босқичларида 500 нафардан ортиқ меҳнат фахрийси ва ёши улғур юртдошларимиз иштироки таъминланди.

2015 ЙИЛНИНГ 30 НОЯБРЬ ҲОЛАТИГА АНА ШУНДАЙ СИҲАТГОҲЛАРДА РЕСПУБЛИКА БҲЙИЧА ЖАМИ 11 МИНГ 458 НАФАР УРУШ ВА МЕҲНАТ ФРОНТИ ФАХРИЙСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҲИСОБИДАН БЕПУЛ СОҒЛОМЛАШТИРИЛДИ.

Ёш авлоднинг маънавий ва ахлоқий тарбиясига кўмаклашиш, уларда миллий ғурурни шакллантириш мақсадида уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида «Сиз доим эъзоздасиз», «Қариси бор уйнинг париси бор», «Кексаларни ардоқлаган юрт», «Фахрийлар — фахримиз» маззуларида ўтказилган учрашуларда навқирон авлод нуруний инсонларнинг бой ҳаётини тажрибалари билан таништирилди.

Янги — Соғлом она ва бола йилида бу каби хайрли ишлар изчил давом эттирилади. Зеро, давлатимиз раҳбари Бош қомусимиз қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганидек, «... бизларни дунёга келтириб, вояга етказган, ўзининг машаққатли меҳнати билан бугунги ёруғ кунларга катта ҳисса қўшган кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қадрлаш — ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиб, бу ўзбек халқига мансуб бетақор фаилларнинг яққол тасдиқи сифатида болаларимизни, ёшларимизни инсонпарварлик руҳида тарбиялашда ёрқин намуна бўлиши муқаррар».

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ — БИРЛАМЧИ

Санжар ЭРГАШЕВ,
O`zLiDeP Қарши шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари Қарши шаҳар кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари

Берилган ваколатлардан самарали фойдаланган ҳолда O`zLiDeP Сайловдиди платформасида белгилаш вақтида депутатларни қай даражада амалга оширилаётгани, ислохотлар муваффақиятининг моҳиятини аҳолига етказиш ҳам гуруҳимиз аъзоларининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, депутатларимиз сайловчи олдидаги масъулияти ва ҳисобдорлигини доимо ҳис этишини таъминлайди. Шу боис вақти-вақти билан илмий-амалий семинарлар ташкил этишга ҳам эътибор қаратаёلمиз. Истиқболли лойиҳалар назоратини олиб бориш, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашда партия кенгаши билан ҳам-

кор ва ҳамфикр иш юритаёلمиз.

Қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилган вазифалар ижроси устидан депутатлик назоратини амалга ошириш, эшитувларни ташкил этишда сайловчилар томонидан билдирилган таклифлар, фикр-мулоҳазаларни инобатга олиш, муаммоларни уларнинг мақбул ечимларини топган ҳолда бартараф этиш борасида самарали иш олиб борилапти. Гуруҳ режасига киритилган муҳим масалалардан бири шахримизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қилинган ишлар, яратилган янги иш ўринлари юзасидан мониторинг олиб боришидир.

Қарши шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими

томонидан ҳудудларда таълим-тарбияни янада кучайтириш, баркамол авлодни вояга етказиш, мактабларни битираётган ёшларни касб-хунар коллежлари ва академик лицейларга тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш, уларни тадбиркорликка йўналтириш, ўқув муассасаларини замон талаблари даражасида жиҳозлаш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида олиб борилаётган ишларни ўрганиб чиққанамиз ҳам ўз самарасини берди.

Сессияга киритилган иккинчи масала — «Шаҳар ҳокимлиги иқтисодиёт бўлимининг шаҳарни 2013-2015 йилларга мўлжалланган иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастурида ишга туширилиши лозим бўлган озиқ-овқат лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги фаолиятини ўрганиш»га бағишланди. Тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа ташкилотлар

ҳамкорлигида мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилди, шаҳарда ишга туширилиши лозим бўлган 15 та лойиҳа депутатлар назоратига олиниб, уларнинг аксарияти амалга ўтказилди.

Шунингдек, шаҳарда маиший-сервис корхоналарини ташкил қилиш бўйича маҳаллий ҳокимлик, ҳудудда ишлаб чиқариш корхоналари, шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш дастурлари ижроси юзасидан депутатлик назорати ўтказилиб, аниқ таклифлар тайёрланди.

Шаҳримиздаги 62 та маҳаллада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини ўрганиш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича ишлаб чиқилган Ҳаракат дастури ҳамда шу асосда олиб борган саъй-ҳаракатларимиз ҳам ўз сама-

расини бераёпти. «Ўқув марказлари» фаолиятини жонлантириш, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, хунармандчилик, зардўзлик, дурадгорлик, каштадўзлик каби оилавий тадбиркорлик йўналишида ҳам муайян натижага эришилди.

Шаҳримизда хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, кичик бизнесни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, соҳага оид қонун ҳужжатларининг ижроси масалаларини алоҳида назоратга олганмиз. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони дастуриламал вазифини ўтамоқда.

Бугун юртимизда вояга етаётган фарзандларимиз бахт-саодати учун барча шарт-шароит муҳайё. Ёшлар ҳам шунга монанд равишда маррани баланд олишмоқда. Аммо ўқув жараёнларига берилиб кетиб баъзан улар билан яқкама-яқка ишлаш, миллий қадриятларимиз ҳақида суҳбатлашишга етарли даражада қунт қилмаямиз, назаримда.

Мангу мартаба

...Яқинда йўлдаги ўқувчининг кавшаби кетаётганига кўзим тушиб, на муаллими, на ота-ониси оқватланиш қондилари, одоб меъёрларини ўргатмаган экан-да, деб ўйладим. Беихтиёр болалик хотираларимни ёдга олдим. Онам тик туриб нон ейиш, оқватланиш мумкин эмаслигини бот-бот эслатиб турган пайларда ҳали мактабга қатнамадим. «Нон увोगи ерга тушса, ёмон бўлади», дея қайта-қайта тақорлардилар. Мен уша «ёмон бўлади»нинг маъносини сўраганимда «ерга тушган нон увोगи босиб олинса бугдуй унмай, очарчилик бўлади», деб жавоб берганди.

Ўртбошимизнинг «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» номли китобидаги «Болаларимизнинг тарбиясини маҳкам ушлашимиз лозим. «Йўқ, болам, бундай эмас, мана бундай, сен кимнинг, қандай буюк зотларнинг авлодсан, қандай бебаҳо маънавий мероснинг вориссан?» деган гапларни уларнинг қўлоғига қўйиш керак. Бугун яхши яшаймиз, деб талтайиб кетмаслигимиз, оёғимиз ердан узилмаслиги зарур. Аслида бу ҳам жиддий бир хавф», деган жойларни ўқиганимда онамнинг ўғитлари эсимга тушди. Кўпдан ўйлантираётган саволларга жавоб топдим. Дарҳақиқат, ёшлар маънавиятини юксалтириш учун уларнинг одоб-ахлоқи алоҳида эътибор беришимиз, ўзимиз ҳам азалий қадриятларга амал қилишимиз даркорлигини яна бир қарра англадим.

Аждодларимиз ҳоқи журматидан ерни қаттиқ босмаслик, сувга турмаслик, чиқиндиларни қақса ҳисобга қўйишга ташлаш, ернинг кўзини очиб — супуриб, покиза сақлаш каби одатларимизни дилбандларимиз онгу тафаккурига синдиришга бурчимиз. Китобда бу хусусида ҳам мулоҳазалар баён этилган: «Ўзликни англаш дегани — бу ўз тарихимизни, минг-минг йиллик аъналаримизни билиш дегани. Агарки, ҳар қайси одам кечаги кунни яхши биладиган бўлса, ҳеч қачон аввалги хатосини яна такрорламайди».

Аждодларимиз бизга битмас-туганмас мерос қолдиришган. Бу меросни тўла-тўқис ўрганиш, англаш, асраб-авайлаш ва келгуси авлодлар учун муносиб тарзда бойитиб бериш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Китобдаги мана бу лавҳани ҳаяжонланмай ўқиш мумкин эмас: «У пайтлар шундай вазиятлар ҳам бўлардики, бир марта тўйиб оқватланишнинг ўзи бахт ҳисобланарди. Мен ёшлигимда буларнинг барчасини бошимдан ўтказганман. Ҳатто, шундай бўлганки, мактабда бир неча бор дарс пайтида очилган ҳолсизланиб, ухлаб қолганман. Бундай ҳолатлар ўша замонларни кўрган одамларнинг кўпчилигига бегона бўлмаसा керак...»

Ҳа, оғир қийинчиликларга чидаб, ноҳақлик ва зуравонликни ваъминлик билан енгиб, ўз халқига буюк мартабани инъом этган бу улғур инсон ҳаёти ва фаолияти ҳаммамиз учун ибратдир.

Мустақиллик — Ватанимизнинг мангу мартабаси. Шундай экан, бу мартабанинг нечоғли қудратга эга эканлиги, миллий тақдирдаги, халқимиз ҳаётидаги улғур аҳамиятини ҳамиша ҳис этиб яшаш ва ёш авлод онига синдириш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Муқаддамхон ИЗЗАТУЛЛАЕВА,
Наманган шаҳридаги 25-мактаб ўқитувчиси,
O`zLiDeP шаҳар кенгаши гуруҳ раҳбари.

Қирқ фоизини хотин-қизлар бошқаради

O`zLiDeP Андижон вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» томонидан «Конституция — улкан имкониятлар гарови» мавзусида давра суҳбати ўтказилди

Эльмира РАҲМОНОВА,
«XXI asr»

Эътироф этиш жоизки, партиянинг ташаббускор аёллари O`zLiDeP дастурий гоа ва вазифаларидан келиб чиқиб, омма ичига тобора чуқурроқ кириб бориш, маҳаллалар, ташкилотлар, чекка қишлоқлардаги дугоналарни ижтимоий-сиёсий жараёнларга кенгрок жалб этишга кўмаклашапти. Буни кейинги ўн йилликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг 40 фоизини айнан хотин-қизлар бошқараётгани ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

Аёлларнинг сиёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими ташаббус билан ташкил этилган навбатдаги тадбирда давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ўрганиш ва бу борада кенг қамровли тарғибот ишларини олиб бориш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

— Бош қомусимизда бар-

сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи устувор қоидалар билан мустаҳкамланган, — деди O`zLiDeP Андижон вилоят кенгаши Сиёсий таълим маркази раҳбари Махбуба Исроилова. — Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда миллиятларга тотувлик ва

масалалари бўйича ўрин-босари Хуршида Ҳалилова тадбир иштирокчилари эътиборини Юртбошимиз маърузасидан келиб чиқиб амалга ошириладиган партиявий ишлар, Соғлом она ва бола йилида ҳудудий ташкилот олдида турган энг муҳим вазифаларга қаратди.

Давра суҳбати иштирокчилари келгусида олиб борилиши режалаштирилаётган учрашуларда аёлларни ишбилармонлик жараёнига имкон қадар кенгрок жалб этиш, битирувчи қизларни таълимнинг кейинги босқичига тула қамраб олишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари кўламини янада кенгайтириш хусусида келишиб олдилар.

Мулоқот якунида бир гуруҳ илғор ва ташаббускор партия фаолларига O`zLiDePнинг фахрий ёрликлари топширилди.

▼ O`ZLIDEP ANDIJON VILOYAT KENGAШИ RAISINING AЁLLAR MASALALARI BҲЙИЧА ҲРИНБОСАРИ ХУРШИДА ҲАЛИЛОВА ТАДБИР ИШТИРОКЧИЛАРИ ЭЪТИБОРИНИ ЮРТБОШИМИЗ МАЪРУЗАСИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ПАРТИЯВИЙ ИШЛАР, СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИДА ХУДУДИЙ ТАШКИЛОТ ОЛДИДА ТУРГАН ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРГА ҚАРАТДИ.

ча фуқароларнинг жинси, irqи, миллиати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенглик, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги,

ҳамжиҳатлики таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини самарали ташкил этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

O`zLiDeP Андижон вилоят кенгаши раисининг аёллар

Битта лойиҳанинг бир ҳудуддаги самараси

Ниҳоясига етаётган йилда O`zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан «Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳаси доирасида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Яқинда Олот туманидаги кўп тармоқли марказий поликлиникада ўтказилган бепул тиббий кўрик ҳам мазкур партиявий лойиҳани ҳаётга самарали татбиқ этиш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Асхор ИСТАМОВ,
«XXI asr»

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳудудий бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбир домида 370 дан ортиқ турли ёшдаги ва касбадаги кишилар мақоли мутахассислардан тегишли маслаҳат ва тавсиялар олдилар. Аёллар, меҳнат фахрийлари ва ногиронлар — жами 100 дан ортиқ кишига 24 турдаги, умумий миқдори 25 млн. 387 минг сўмликдан зъёд дори-дармон бепул тарқатилди. Уйда даволанаётган беморларга ногиронлик аравачалари ва қўлтикта-

ёқлар етказиб берилди. 200 дан ортиқ киши тиббиёт муассасаларига йўлланмалар билан таъминланди. Таъкидлаш жоизки, жорий йил давомида вилоятнинг Шофиркон, Жондор, Ромитан, Ғиждувон туманлари ва Когон шаҳрида 1700 нафарга яқин аёл тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларнинг 538 нафарига салкам 760 млн. сўмлик дори-дармон берилди. «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида аёллар, меҳнат фахрийлари ва ногиронлар саломатлиги назоратга олинди, уларга турли муолажаларни кўрсатишда кўмаклашилди.

O`zLiDePнинг ушбу лой-

иҳаси доирасида бошловчи тадбиркорлар, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини маънавий рағбатлантиришга катта эътибор берилмоқда. Партия вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан «Тадбиркор аёл» ассоциацияси, шунингдек, ҳудудлардаги банк, солиқ, молия муассасалари билан ҳамкорликда корхона-ташкilotлар ва ўқув муассасаларида ўтказиб келинаётган давра суҳбатлари, семинар-тренинглар кўпчиликда алоҳида қизиқиш уйғотаётир. Жумладан, Олот политех-

ника ва сервис касб-хунар коллежида ташкил этилган давра суҳбатида сўз олган O`zLiDeP вилоят кенгаши раиси ўринбосари Дилбар Аҳмедова, Аёлларнинг сиёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Робия Салихова, халқ депутатлари туман кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзоси Гулноз Бахронова ва бошқалар кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалалари, белгиланган истиқболли режалар ижроси, келгусида бажарилиши лозим бўлган кенг кўламли вазифалар юзасидан ўз мулоҳазаларини баён этдилар.

«XXI ASR» 51 (631)-son, e-mail: xxi_asr@mail.uz

«ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, ОИЛАЛАРДА СОҒЛОМ МУҲИТНИ МУСТАҲКАМЛАШ, БОЛАЛАРДА, АЙНИҚСА, ҚИЗЛАРДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТГА МЕҲР УЙҒОТИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАРҒИБ ЭТИШ ПАРТИЯНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ СИРАСИГА КИРАДИ. ПАРТИЯ «ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ ҚУДРАТЛИ БЎЛУР, ҚУДРАТЛИ ЭЛНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ БЎЛУР» ТАМОЙИЛИНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ ТАРАФДОРИ».
O'zLiDeP Дастуридан.

Саломатлик — энг катта бойлик

O'zLiDeP Нукус туман кенгаши фаол бошланғич ташкилотлар, Хотин-қизлар кўмитаси ва «Маҳалла» жамоат фонднинг туман бўлимлари ҳамкорлигида стол теннис, шахмат ва баскетбол бўйича мусобақалар уюштирди. Унда аёллардан ташкил топган 10 та жамоа теэкзорлик, чақонлик, ақл-заковат бобда ўзаро беллашди. — **Оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофазат қилишда жисмоний тарбиянинг аҳамияти катта дейди,** — партия туман кенгаши раисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари Э.Абдимуратова. — 2016 йилга Соғлом она ва бола йили деб ном берилишида улкан мазмун-моҳият мужассам. Зеро, она ва бола саломатлигига эътибор, уларнинг жисман ва руҳан етуклиги бутун жамиятни камолот сари етакловчи муҳим омиллардан биридир. Тadbирдан кўзланган мақсад ҳам хотин-қизларнинг спортга қизиқишини кучайтиришдир. Мусобақалар ниҳоясида голибларга ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди. O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Матбуот хизмати.

Шаҳар аҳли янгиликдан мамнун

Раҳбаридан тортиб ишчи-хизматчиларигача O'zLiDeP аъзоси бўлган «Зулхумор-Замон юлдузи» МЧЖда яна бир янгиликка қўл урилди. Президентимиз ташаббуси билан келгуси йилнинг Соғлом она ва бола йили деб эълон қилинишидан илҳомланган МЧЖ фаоллари аёллар ва эркаклар учун спорт-соғломлаштириш маркази ташкил этилишига бош-қош бўлдилар. Барча қўлайликларга эга марказ ҳар кунини спорт ихлосмандлари билан гавжум. Корхона раҳбари, БПТ етакчиси Зулфия Полвонованинг айтишича, Каттакўрғон шаҳри аҳли бу янгиликдан мамнун. — Аёллар ва эркаклар учун машғулот кунлари алоҳида алоҳида белгиланган, — дейди етакчи. — Ҳозирча доимий шуғулланаётган олимпикчиларимиз 40-50, эркаклар 50-60 нафарни ташкил этаётди. Дарҳақиқат, шинамгинна залга 30 донна спорт жиҳози белгиланган қондалар асосида ўрнатилган. Ювениш бўлимлари, кино томоша қилиш ва ҳордик чиқаришга мўлжалланган бошқа хоналар мавжуд. Эътиборлиси, шуғулланувчилар мутахассислар маслаҳатлари ва кўмагидан ҳам фойдаланишмоқда. М.РАВШАНОВА.

«КИМКИ ТАРАҚҚИЁТ БИЛАН ҲАМҚАДАМ БЎЛМАСА...»

O'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази томонидан «Президентимизнинг халқ депутатлари Наманган вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар» мавзусида халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) кенгашларига партиямиздан сайланган депутатлар ҳамда бошланғич ташкилотлар раислари учун алоҳида-алоҳида тарзда ўқув-семинарлар ташкил этилди. Шунингдек, марказ ташаббуси билан Юртбошимизнинг «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» номли китобини ўрганишга бағишланган 50 дан зиёд давра суҳбатига қуйи бўгин етакчилари фаол иштирок этди.

Наргиза МУҲАММАДИЕВА, O'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши қошидаги СТМ раҳбари

Бугунги кунда вилоятда 911 та БПТ фаолият юритмоқда. Бошқача айтганда, ҳудудда партиямизнинг дастурий ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб қилиш, электорат ичига чуқурроқ кириб бориш, сайловчилар манфаатига оид масалаларни аниқлаш, ўрганиб чиқиш ва ҳал қилиш учун катта имкониятлар мавжуд. Шу нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлса, марказимиз қуйи бўгинлар раисларига мафкурaviй, ғоявий мадад бериб, уларнинг салоҳияти тўлароқ рўёбга чиқишига ҳисса қўшапти. Таъкидлаш кераки, бошланғич ташкилотларга партиямизнинг ғоя ва мақсадларини чуқур англаган, иқтидорли, ташаббускор сафдошларимиз етакчи этиб сайланган.

Шу билан бирга қуйи бўгинлар раислари учун 30 маротаба Сиёсий Кенгаш Ижроия кўмитаси томонидан белгиланган махсус ўқувлар ташкил этилган ҳам эътиборга молиқ. Шу ўринда айтиб ўтишни истардимки, бугунги сиёсий таълим жараёни ортиқча расмиятчилик

ва қозғобозликдан холи бўлиб, асосан эркин фикр алмашув, ўзаро баҳс-мунозаралар тарзида олиб борилаёпти. Бу эса машғулотларнинг таъсирчан ва қизиқарли бўлишини таъминламоқда.

Маълумки, партиямиз сафига янги аъзоларнинг кириб келиши уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимлари оширилиши, партиямиз фаолият тўғрисидаги тасавурлари кенгайтирилиши масаласини кун тартибига қўяди. Унинг муваффақиятли ҳал қилиниши эса БПТ раҳбарларининг фаоллиги, ҳар томонлама етуклиги билан чамбарчас боғлиқ. Бинобарин, СТМ томонидан қуйи бўгинлар раисларини ўқитиш, уларга партия дастури ва уставида белгиланган вазифалар хусусида маълумотлар бериш ишлари изчиллик билан ташкил этилмоқда. Хусусан, жорий этилган бир янгилик шуки, тингловчилар жойлардаги намунали БПТлар фаолияти билан яқиндан таништирилиб, уларнинг иш юритиш усуллари атрофлигина тушултирилмоқда. Охирикки ярим ой мобайнида партиядан 200 дан ортиқ янги аъзо қабул қилинганлиги етакчилар

ўқувларда олган назарий билимларини амалда қўллай олганликларини кўрсатади.

БПТларнинг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишдаги иштирокида СТМнинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Бу борада Наманган шаҳри, Чортоқ, Поп, Тўрақўрғон, Учқўрғон, Норин туманларидаги кўплаб БПТларнинг ибратли ишларини тилга олиш мумкин. Масалан, Поп туманидаги «Аpromish-Sherg» МЧЖдаги қуйи бўгин савй-ҳаракати билан бир тадбиркорга банк кредити, бошқа ишбилармонга эса ер майдони ажратилишига кўмаклашилди. Учқўрғон туманидаги Шаҳрихончек МФИда иш юритаётган таянч тузилмининг ташаббуси билан маҳалла кўчаларини асфальтлаш масаласи халқ депутатлари туман кенгаши сессиясига киритилди. Мутаасаддиларнинг маълум қилишича, ушбу масала ижобий ечим топиш арафасида.

Тўрақўрғон туманидаги «Кичик кўрғонча гулшани» фермер хўжалигида фаолият юритаётган бошланғич ташкилотнинг таклифи инobatга олинди, янги барпо этилган маҳаллага 2 км. узунликдаги электр симлари



тортиб берилди. Ана шундай амалий ишлар таянч нуқталарнинг аҳоли билан алоқалари янада мустаҳкамланиши, партия нуфузи юксалишига хизмат қилаётди. Президентимизнинг халқ депутатлари вилоят кенгаши навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасидан келиб чиқиб амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этишга бағишлаб ўтказилган ўқув-семинарларда ҳам мазкур туманлардаги қуйи бўгин етакчилари фаоллиги билан ажралиб турди. Маҳаллий кенгашлардаги O'zLiDeP депутатлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш, уларнинг ваколатидан кенгроқ фойдаланиш, электорат вакиллари манфаатини ҳимоя олиш бўйича Наманган туман молия бўлими, Наманган шаҳридаги «Luks plus servis» МЧЖ, Гўзал МФЙ, Норин

тумани Фермерлар кенгашидаги қуйи бўгинлар жонбозлик кўрсатмоқда. Чунончи, БПТлар муайян масала юзасидан зарурий маълумотларни қисқа муддатда тўплаб, ўрганиб ва умумлаштириб, мавжуд ҳолат юзасидан умумий хулосаларнинг шаклланишига ёрдам бермоқдалар. Депутатлик гуруҳи аъзолари ана шу хулосаларга асосланиб, тегишли идоралар билан иш олиб бораёптилар.

Мавриди келганда, шу йили партия таянч нуқталари ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда 200 дан зиёд турли тadbирлар уюштиргани, уларнинг аксариятига вилоят ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлар жалб қилинганини ҳам тилга олиш мақсадага мувофиқ. Шунингдек, жойларда ўтказилаётган «Оилавий тadbиркорликдан — мустаҳкам

оилага», «Мулкдор оила», «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба» ва бошқа партиявий лойиҳалар, кўрик-танловларни ҳам БПТлар фаолиятдан айри тасаввур қилиш қийин.

Мухтасар айтганда, марказ давр билан ҳамнафас иш юритиб, қуйи тузилмаларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш, мулкдорлар манфаатини ишончли ҳимоялаш, дастурий вазифалар ижроси йўлида бутун салоҳиятини ишга солишга интиломоқда. «Кимки ҳаёт тараққиёти билан ҳамқадам бўлма, унга лоқайд ва беписанд қараса, ҳеч шубҳасиз, тез ўзгараётган тарихнинг бир чеккасида, қоқоқлик ва армонда қолиб кетади». Президентимизнинг ана шу сўзлари бизни ўз фаолиятимизга янада масъулият билан ёндашиш, шавқу ишжорат билан ишлашга ундамоқда.



АЗИЗ МУШТАРИЙ!

«XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси учун 2016 йилга обуна давом этмоқда. Янги йилда ҳам биз билан бирга бўлишингизга ишонамиз.

НАШР ИНДЕКСИ ҲАМ ҲАМҚАДАМ БЎЛМАСА...

НАШР ИНДЕКСИ ҲАМ ҲАМҚАДАМ БЎЛМАСА... 406. Дарвоқе, таҳририят билан тўғридан-тўғри шартнома тузган юридик ва жисмоний шахсларга чегирмалар бор.

ТЕЛЕФОН ҚИЛИНГ: 255-68-50, 215-63-80.

Муассасадаги маслақдошларимиз 50 баробарга кўпайди

O'zLiDeP Бувайда туман кенгаши таркибида 24 та БПТ фаолият юритаёпти. Бошланғич ташкилотлар билан ишлаш бўйича бош консультант Гулноза Муродованинг маълум қилишича, ўтган йил аввалида партия аъзолари 500 нафар бўлган. Бугунга келиб уларнинг сони 797 нафарга етди.

Аҳроржон МУСУРМОНОВ, «XXI asr»

— Қуйи бўгинлар халқ депутатлари туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи билан ҳам ҳамкорликни тўғри йўлга қўя олгани, сиёсий куч дастурий ғоя ва мақсадларини, партиявий лойиҳаларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказишнинг удрасидан чиққани туфайли сафимизга янги кудалар келиб қўшилияти, — дейди Г.Муродова. — Партия Дастури, Сайловолди платформаси билан яқиндан танишиб, улларда илгари сурилган ғоялар сиёсий қарашларимга монанд эканлигини англадим, — дейди яқинда АТ Халқ банки туман бўлимидаги БПТ сафига кирган Камолитдин Аҳмедов. — Етакчимиз Омина Тўрақулваннинг ижтимоий-сиёсий йўналишида олиб бораётган

ишлари, қишлоқда тadbиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини оширишга қўшаётган ҳиссасини кўриб, унга эргашшига қарор қилдим.

Таъкидлаш жоизки, мазкур таянч тузилма илгари 9 маслақдошни бирлаштирган бўлса, ҳозир уларнинг сони 20 нафарга етди.

Кўрғонча МФИдаги бошланғич ташкилот аъзолари ҳам яна 10 кишига кўпайиб, ҳозир 20 нафарни ташкил этмоқда.

— БПТ раиси ҳамда туман кенгаши депутати сифатида тегишли ваколатларни ишга солиб, сафдошларим билан бирга маҳалладаги айрим муаммолар ҳал этилишига ҳисса қўшганимиз бу ерда ҳам партиямизга ишонччи мустаҳкамлади, — дейди мазкур қуйи бўгин етакчиси Дилшодахон Қаландарова. — Қолаверса, фуқароларга «Мулкдор оила», «Соғлом оила — мустаҳкам оила» каби пар-

тиявий лойиҳалар тўғрисида маълумотлар бераёптимиз.

Таъкидлаш жоизки, туман марказий шифонасидаги қуйи бўгин дастлаб 5 аъзодан иборат эди. Ҳозирда мазкур муассасадаги партиядошларимиз 237 нафарга етди. Бошқача айтганда, деярли 50 баробарга ортди. БПТ етакчиси Фахриддин Турғуновнинг айтишича, қуйи бўгинга бириктирилган депутат Бекмирза Ортиқов билан ҳамкорликда ўтказилаётган ғоявий-сиёсий тadbирлар шифокорлар ўртасида партиядан қизиқишни оширапти.

Мухтасар айтганда, туманда билимли, ташаббускор, партиямиз дастурий ғояларига содик маслақдошларимиз сафи тобора кенгаймоқда ва бу ижобий ўзгаришларда БПТ ва депутат ҳамкорлиги механизми муайян роль ўйнамоқда.

ТАҲРИРИЯТДАН: Барча бошланғич ташкилотлар ҳам юқори партия тузилмаларига доимий йўсинда таҳлилий материаллар, янги ғоялар тақдим этаётгани билан мақтанолмайди. O'zLiDeP Чилонзор туман кенгаши тарихидаги талай қуйи бўгинлар эса бу борада фаол. Жорий йилда улар томонидан мулкдорлар қатлами манфаатлари ифодаланган ва бошқа ижтимоий-сиёсий, иқтисодий масалаларга оид 50 га яқин таклиф олиб чиқилди. Улардан бир нечтаси газетамизда чоп этилди. Навбатдагисини ҳам ўйлаб кўриш керак, назаримизда.

Менда таклиф бор

Бахтиёр ҲУСАНОВ, география фани ўқувчиси, O'zLiDeP Чилонзор туман кенгашидаги БПТ аъзоси

Маълумки, юртимизнинг энг иссиқ ва қуруқ ҳудудларидан бўлиши Қишлоқ ва Миразчул орасида улкан қўл вужудга келди. Уни бемалол денгизга менгаш мумкин. Чунки қўл жуда маҳобатли! Шарқдан-ғарбга томон 180-200 км.га чўзилган, марказий қисми энламаси эса шимолдан жанубга томон 20-25 км. масофага ястаниб ётибди. Ҳазаннинг умумий майдони 3000 кв.км. бўлиб, деярли 10 миллиард куб метр сув тўпланган.

Қўлнинг пайдо бўлиши туфайли чўл зонаси ҳисобланган Арнасой ботиқида янги манзаралар, янги табиий ландшафтлар юзага келаяпти. Ҳозир хос ўсимлик ва ҳайвонот дунёси шаклланимоқда. Жумладан, қўл сувларида балиқ ва бошқа сув жониворлари ортиб борапти.

Ҳўш, ана шу мақсаддан қандай фойдаланилмоқда? Ҳозирча қўлда асосан балиқ тутиш билан шуғулланилмоқда, холос.

Қўл незматларидан ўн-ўн бешта овчи эмас, бутун халқимиз баҳраманд бўлиши керак, деб ўйлайман. Tadbиркор ва фермерлар, барча серғайрат инсонлар ўз салоҳияти, иқтидорини намойиш этадиган майдон бу аслида! Фикримча, қўл ва унга туташ ҳудудларни узолаштириш режаларини тайёрлаш ва амалга ошириш республикамиз иқтисодий-ижтимоий салоҳиятини янада оширади. Бу фикрга экологлар эътироз билдириб, «Ҳайдарқўлни соф табиий ҳолда сақлаш керак!» дейишлари мумкин. Уларга жавобимиз қуйидагича: ахир инсон ҳам шу табиатнинг бир бўлаги эмасми?! Инсон наботот ва ҳайвонот дунёси билан уйғунликда яшай олмайдими? Ҳайдарқўлнинг ўзи ҳам инсон фаолияти натижасида вужудга келган эмасми?

Юқоридагилардан келиб чиқиб, «Ҳайдарқўл лойиҳаси»ни таклиф этмоқчиман. Унинг асосий моҳияти қўл атрофидаги ҳудудларни ягона маъмурий бўлиққа айлантириб, давлат экологик назорати остида узолаштириш ишларини амалга оширишдан иборат.

Қўл қироқларининг умумий узунлиги тахминан 1000 км.ни ташкил этади. Бу жойда шаҳарчалар, қишлоқлар тизимини бунёд этиш, янги ҳудудларга 500 минг кишини жойлаштириш, 200 минг кишини иш билан таъминлаш мумкин.

Бу ҳудудда нималар билан шуғулланиш мумкин, деган савол туғилади. Жавоб: қуйидаги тармоқларни йўлга қўйса бўлади:

- кемаасозлик ва кема таъмирлаш корхоналари;
- балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш санаяти;
- енгил санаятнинг тўқимачилик, тикувчилик, кон-пойафзал соҳалари бўйича корхоналар ишини йўлга қўйиш мумкин. Бунинг учун ҳудуддаги чорвачилик хўжаликларидан тайёрланган қўй ва тую жунлари, терилари (коракул теридан фойдаланса бўлади);
- фармацевтика санаяти учун қўлнинг жанубидаги Нурота тизмасининг шимолий ёнбағирлари ва туқайлардаги доривор ўсимликлар, қўлдаги сув ўтлари, бошқа сув жониворлари ва паррандалардан олиннадиган усунлар ҳам ашё манбаи бўла олади. Қолаверса, қўл сувидан турли хил тузларни ажратиш олиш мумкин.
- қозғо санаяти учун қўл бўйларидидаги чангалзорлардаги ўсимликлар ва қамшлар хомашё бўлиб қизмат қилади.
- Шунингдек, лойиҳада қўлда тутилган асосий мақсадлардан бири Ҳайдарқўлда туризмни йўлга қўйишдан иборатдир. Қўл бўйидаги манзилгоҳларда меҳмонхона, мотел ва кемпинглар тизимини ташкил этиш орқали йилга минглаб сайёҳга хизмат кўрсатиш мумкин.
- Уйлаймани, ушбу лойиҳа жамоатчилик, хусусан, парламентдаги фракцияимиз вакиллари билан берайқ қолдирмайди.

ЖАРАЁН

БУЗОҚНИНГ ЮГУРГАНИ СОМОНХОНАГАЧА

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида қоидабузарликлар ва кўпол қоидабузарликлар, деган атамалар ишлатилади. Иккинчиси аксарият ҳолларда йўл-транспорт ҳодисаларининг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Акмата ЮНУСОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ИИБ ЙХХББ инспектори,
капитан



Йўл патруль хизмати инспекторлари томонидан жорий йилнинг ўтган ўн бир ойида 3 миллион 150 мингдан ортиқ қоидабузарлик аниқланган бўлса, шундан 1 миллион 270 мингдан кўпрогини кўпол қоидабузарликлар ташкил этади.

Бундан аниқланганлари. Аниқланмаганичи? Улар қанчадан-қанча инсонларнинг умрига зомин бўлмоқда. Қимларди ана шу қоидабузарликлар туфайли содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларида жароҳат олиб, бир умрга ногирон бўлиб қолаётир.

Йўл-транспорт ҳодисаси содир этиб, воқеа жойидан қўқиб кетаётган ҳайдовчилар ҳам учраб турибди. Бу эса беғуноҳ инсонларнинг беватқ ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлаяпти. Масалан, 2015 йил 24 октябрь куни соат 20:00 ларда Жиззах вилоятининг Фаллаорол тумани ҳудудда номаълум ҳайдовчи йўлнинг ўнг томонидан кетаётган пиеда — Р.Азаматни (исмлар ўзгартирилган) уриб юрибди, яширинган. Натижада Азамат воқеа жойида ҳалок бўлган. Олиб борилган қидирув ва суриштирув ишлари нати-

жасида ушбу йўл-транспорт ҳодисасини Фаллаорол туманилик С.Музаффар ишонч қозғовисиз Хоразм вилояти Қўшқўпир туманида яшовчи И.Мухлисга тегишли «Нексия» русумли автомобилда содир этганлиги аниқланди ва у теда ушланди.

Шу йил 12 октябрь куни соат 22:30 ларда пойтахтимизнинг Чилонзор тумани ҳудудда ҳайдовчи — Тошкент вилояти Зангиота туманида яшовчи Т.Набижон маст ҳолда ўзига тегишли бўлмаган «ВА3-21053» русумли автомобилни ишонч қозғовисиз бошқараётиб, пиедалар П.Мирсоидиқ ва М.Шахзодни уриб юборган. Натижада П.Мирсоидиқ воқеа жойида ҳалок бўлган, М.Шахзод тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилган.

2015 йил 8 ноябрь куни соат 21:30 ларда Самарқанд шаҳри ҳудудда ҳайдовчи — О.Дилшод ишонч қозғовисиз Самарқанд туманида яшовчи Н.Дилбарга тегишли «ЛАСЕТТИ» русумли транспорт воситасини бошқараётиб, шу йўналиш бўйлаб олдинда ҳаракатланаётган «ЗИЛ-130» русумли автомобилга урилиб, тўқнашув содир этган. Натижада «ЛАСЕТТИ» русумли автомобиль ҳайдовчиси О.Дилшод воқеа жойида ҳалок бўлган, йўловчиси — Самарқанд туманида яшовчи О.Шавак тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилган.

Шу йил 29 ноябрь куни соат 11:00 ларда Наманган шаҳри ҳудудда ҳайдовчи — шу шаҳарда яшовчи Т.Раҳимжон зарур ҳужжат-

ларсиз Наманган шаҳрида яшовчи А.Олимага тегишли «ВА3-2101» русумли автомобилни бошқараётиб, йўлни кесиб ўтаётган велосипедчи М.Аҳаджонни уриб юборган.

Мавжуд маълумотларда транспорт воситасини олиб қочиш билан боғлиқ ҳолатлар ҳам кўзга ташланади. Жумладан, шу йил 30 ноябрь куни соат 12:20 ларда номаълум шахс томонидан Ўзбекистон Миллий теле-радиокомпанияси олдидан қаровсиз қолдирилган, Тошкент шаҳри, Бектемир туманида яшовчи С.Зарифжонга тегишли «МАТИЗ» русумли автомобиль олиб қочилган. Кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни содир этган И.Мирсоидиқ ЙПХ ходимлари томонидан ушланган. «Эгаси минг пойласин, ўғри бир пойласин» деган нақлни ўзига шиор қилган бу фуқаро «Бузоқнинг югургани сомонхонагача», деган нақлни унутган кўринади. Акс ҳолда бундай қинғир ишга қўл урмаган ва ҳозир афсусда ўтирмаган бўларди.

Биз бу каби мисолларни яна анчасини келтиришимиз мумкин. Лекин гап мисолда эмас. Гап «Йўл ҳаракати қоидалари»га амал қилишда, ҳаракатланги хавфсизлигини таъминлашга ҳисса қўшиш ҳақида кетмоқда.

Видео-кузатув мосламалари ўрнатилди

Пойтахт ҳокимлигида навбатдаги брифинг ўтказилди. Унда Тошкент шаҳар ҳокимининг кўп қаватли турар-жойлар, маҳалла ва мавзеларда видео-кузатув мосламаларни ўрнатиш ишларини ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармойишнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз борди.

Мазкур фармойиш кўп қаватли турар-жойларнинг умумий қисмидаги муҳандислик тармоқлари, ертўла ва чордоқ қисмларини техник сўз ҳолда сақлаш, турли жиноий унсурларнинг ҳаракатларига чек қўйиш ҳамда аҳоли хавфсизлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. — Бу жараён, аввало, аҳолининг осойишталигини сақлашга йўналтирилган, — деди Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал бидлашмаси директори И.Маҳкамов. — Умумий ҳисобда пойтахтимизда 14 мингга яқин объектга видео-кузатув мосламаларни ўрнатиш режалаштирилган. Уларни ўрнатиш ИИББ, Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда амалга оширилади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, видео-кузатув мосламаларни ўрнатиш ва улардан фойдаланиш хизмати махсус ташкил этиладиган корхона ва ташкилотлар, сервис компаниялари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан ҳар бир хонадон билан тузиладиган шартномалар асосида амалга оширилиши мумкин. Бино ва иншоотларга ўрнатилган видео-кузатув мосламалари қайд этилган жиноятчилик ҳолатлари бўйича ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларни хабардор қилиш ва улар сўровига биноан электрон ёзувни тақдим этиш ҳам бу хизматни ташкил этувчилар зиммасида бўлади. Видео-кузатув мосламаларининг марказлашган кузатув хоналари ҳудуд профликтика номирилари ҳузурида бўлади.

Нигора НИШОНБОВА.

Семафор ижозат ишорасини берди

Ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи ўртасида ўзига хос кўприк, яъни етказиб берувчи вазифасини бажарадиган транспорт-коммуникация тармоғи истиқлол йилларида жадал ривожланди.

Мансур АСЛОНОВ,
«XXI asr»



Мамлакатимиз шароитида энг мақбул, қулай ва арзон ҳисобланган темир йўллари бежизга «халқ хўжалигининг қон томири» номини олмаган. Инсон организмнинг узлуқсиз ишлаши учун юрак қанчалар муҳим бўлса, темир йўл тармоқларида локомотив деполарининг ўрни ва аҳамияти шунчалик зарур.

Бундан бундан «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик компанияси Бухоро минтақавий темир йўл эрли тасарруфидаги «Тинчлик» локомотив депоси жамоаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Корхонамизда ўз касбининг устаси бўлган малакали муҳандис-техниклар, чилангар, машинист ва унинг ёрдамчилари жамланган, — дейди депо бошлиғи Баҳодир Курбанов. — Депомиз томонидан бугун Навоий-Самарқанд, Навоий-Марқанд, Навоий-Бухоро, Навоий-Янги Зарафшон, Навоий-Мискин, Бинокор-Тинчлик, Навоий-Учқудук участкаларига хизмат кўрсатишмоқда. Мавжуд 41 та тепловознинг 17 тасини «Ўзтемирйўл» маштабидан унитар корхонасида модернизация қилинган, фойдали иш коэффициенти юқори ва тежамкор бўлган техникалар ташкил этади. Юк ва йўловчиларни белгиланган жадал асосида ўз манзилларига етказиш локомотивларнинг техник сўз ҳолда бўлишини таъминлаш ҳақида диққат марказида. Бунинг учун депода тепловозларни таъмирлаш, техник кўрик, тайёрлов, компрессор ҳамда реостат синов хеллари ишлаб турибди. Тайёрлов цехида ёқилги насослари, дизель фильтрлари, аккумулятор батареялари, автотормоз ва электр таъминоти тизими, шунга ўхшаган ёрдамчи ускуналар таъмирланади. Тоқарлик пайвандлаш ва темирчилик, дизель-агрегат сингари 10 га яқин бўлимларимизда ТТ-1 туридаги техник таъмир (ТР) ва биринчидан олтинчи тургача бўлган мукамалликдаги техник кўрик (ТО)лар амал-

га оширилади. Тепловозлар эпикировка, яъни ёқилги мойлаш материаллари, сув ҳамда кум билан таъмирланади. Реостат синовидадан ўтказилиб, хавфсизлик ускуналари текширилади. Ходимларимиз ўз зиммаларига юклатилган вазифарларни тўла-тўқис бажариш учун мавжуд куч ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланяптилар. Раҳбарият эса бошлангич касоба уюшма ташкилоти билан имзоланган жамоа шартномаси асосида ишчи-ходимлар учун етарли шароит яратиб беришга интиляпти.

Депо бosh иқтисодчиси Элдор Авлиёқулловдан олинган маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўн ойи давомида юк ва йўловчи ташиш режаси 100,3 фоизга урдаланган. Ёки шу давр оралиғида 4 миллиард 502,6 миллион тонна-километр иш бажарилган. Турдош корхона ва ташкилотларга тегишли тепловозларни таъмирлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва бошқалар ҳисобидан 2 миллиард 517 миллион сўмдан зиёд маблағ топилган. Биринга ёрдамчи тармоқлар фаолиятдан олинган даромад миқдори 2014 йилнинг мос даврига нисбатан 151,8 фоизга кўпайган.

Инсон меҳнати қадрланган жойида ютуқ ва муваффақиятлар кўпаяверади. Дипо касоба уюшма кўмитаси раиси Найим Рафиевнинг таъкидлашича, барча ходимларни ёз ва киш масъуми учун бепул кийим-кечаклар, шахсий химоя воситалари, сут маҳсулотлари, махсус хизматчиларни эса бепул тушлик билан таъминлаш йўлга

қўйилган. Бундан ташқари «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида корхона маблағлари ҳисобидан 5 нафар нафақахўрга «Назарбек» ва «Чимён» санаторийларида саломатликларини тиклаш учун йўлланма берилди. 60 нафар отахон ва онахонга 15 миллион 284 миң 987 сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Ходимларнинг 115 нафар фарзандларига Самарқанд шаҳридаги «Дўстлик» болалар соғломлаштириш оромгоҳига имтиёзли йўлланмалар берилди.

Бундан ташқари, касоба уюшма кўмитаси томонидан 7 нафар пенсионерга 609 миң сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, қариллик нафақасига чиққан 18 нафар отахон ва онахонларга 1 миллион 184 миң сўмлик соғалар тарқатилди. Локомотив бригадаларининг дам олишлари учун Учқудук ва Тинчлик станцияларида барча қўлайликларга эга бўлган дам олиш уйлари ишлаб турибди. Қопаверса, депо ҳудудида ҳадемай ялпи киймати қарийб 45 миллиард сўм бўлган янги дам олиш уйлари фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда.

Шундай қилиб, биз локомотивчилар амалга ошираётган масъулиятли ва шарафли ишлар билан танишиб улгурмасимиздан ёнган семафорнинг яшил чироғи зарур халқ хўжалиги юкларини ортан яна бир темир йўл қарвонини олис манзилга жўнатишга ижозат ишорасини берди. Барча қатори биз ҳам унинг бешикаст этиб боришини тилаб, дуога қўл очдик.

Юз жилдлик хазина

«Қорақалпоқ фольклори»нинг 100 жилдлик нашрини чоп этиш билан боғлиқ кўламдор иш ниҳоясига етказилди.

Янгибой ҚўЧҚОРОВ,
«XXI asr»

Маълумки, сахро булбули деб ном олган бу халқ оғзаки ижоди энг бой миллатлардан бири ҳисобланади. Қорақалпоқ адабиётига бундан етти аср аввал тамал тошини қўйган Мўйтен шоир ва Сўлпосли Сипира жиров айнан фольклор манбалари асосида жозибали асарлар битишган.

Туркумнинг биринчи китобига қатор туркийзабон халқлар билан бирга қорақалпоқ оғзаки ижодининг ҳам бебаҳо обидасига айлан-

ган «Алпомиш» достонининг 8 мукобил матни жамланган. Кейинги китобларда «Қирқ қиз», «Қўблон», «Эдигей», «Шахриёр», «Маст подшоҳ», «Гўрғули», «Авазхон», «Хирмондали», «Бўзғўл», «Қизполво» ва бошқа қатор магзи тўки, қахрамонлик сюжетлари, севи киссаларига бой достонлар берилган. Улар Жимурат жиров, Ҳўз жиров, Қўлахмад жиров, Утениёз жиров, Есемурат жиров, Қурбанбой жиров, Қайилназар жиров, Қиёс жиров, Жумабой жиров, Ошхон бахши каби айттимчилар тилидан ёзиб олинган. Достонларни саралаш ва нашрга тайёрлашда Қалли

Айимбетов, Нажим Довқорев, Исмоил Сағитов, Навруз Жапақов, Қобул Мақсетов, Хусниддин Ҳамидов, Қирқбой Бойниёзовдек адабиётшуносларнинг салмоқли улуши бор.

Туркумга «Қорақалпоқ фольклори»нинг аввал чоп этилган 20 жилди асос қилиб олинишидан ташқари бир қатор жанрлар бўйича янгиликлар киритилди. Масалан, қорақалпоқ халқ прозаси жанрларга бўлинди. Айниқса, ривоят жанрига аниқликлар киритилиб, манбалар сайқалланди. Халқ афсоналарининг бадиий фазилатларига алоҳида эътибор берилди.

Нашрга архаик сўзларнинг изоҳли луғати илова қилинган ҳам унинг қимматини оширган.

— Юз жилдликнинг 66 жилдига қорақалпоқ халқ достонларининг турли муқобил матнлари киритилди, — дейди Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, филологлар фанлари номзоди, нашрнинг масъул муҳаррири Жалғас Қўшнӣёзов. — Туркумнинг 11 жилдига қорақалпоқ халқ эртаклари, 10 жилдига афсона ва ривоятлар, қолган жилдларга мақоллар, маталлар, қимматли сўзлар, ёр-ёрлар, йўқловлар, фольклоримизнинг бошқа дурдоналари киритилди.

БОЖХОНА БЕКАТИ

Парвоз якунидаги «безовталиқ»

«Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда тилла ва заргарлик буюмларининг ноқонуний олиб ўтилишига қарши чора-тадбирлар изчил давом эттирилмоқда.

Натижада 2015 йилнинг ўтган даври давомида 120 та божхона қоидабузарликлари фоз қилиниб, қиймати 1,7 млрд. сўмдан ортиқ бўлган салкам 38,2 кг. оғирликдаги тилла ва заргарлик буюмлари ушлаб қолинди.

Жумладан, «Боку-Тошкент» рейси бўйича парвозини якунлаган пойтахтлик М.Зоҳидованинг (барча исм-шарифлар ўзгартирилган) божхона кўриги давомида ортиқча безовталаниши шубҳа уйғотди. Чунки унинг қўл юклари орасида йўловчи божхона декларациясига киритилмаган ва оғзаки сўров пайтида маълум қилинмаган

156 гр. оғирликдаги тилладан ясалган заргарлик буюмлари бор экан.

Сеулдан учиб келган хатирчилик Д.Мирзаевнинг юклари холислар иштирокида кўриқдан ўтказилганда қиймати 8,9 млн. сўмлик тилла занжир яширилгани маълум бўлди.

Пойтахтимизнинг Олмасор туманида истиқомат қилувчи С.Мусаёнованинг «Истамбул-Тошкент» рейси бўйича парвози у кутганичалик якун топмади. Зеро, бу аёл тилладан ясалган 21 жуфт зирак ва 127 дана турли тақинчоқларни пойтахт аэропортидан ба-

майлихотир олиб чиқиб кетишни кўзлаган эди. Аммо божхоначилар қинғир қилмишларга ўз вақтида чек қўйдилар.

«Тошкент-Ростов» рейси бўйича парвозга отланган хорижий давлат фуқароси Ч.Мансуров эса республика-миз божхона қонунчилигини бузишга уриниб, салкам 50 млн. сўмлик тилла тақинчоқларни яширин равишда олиб чиқишга уринган пайтда тўхташиб қолинди.

Кези келганда эслатиб ўтиш жоизки, юртимиз ҳудудига жисмоний шахслар томонидан акциз солиғи солинимасдан олиб кириш учун



умумий оғирлиги 30 граммдан ошмайдиган қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бешта-

гача заргарлик буюмларига рухсат берилди.

«Тошкент-Аэро» ИБК Ахборот хизмати.

Сохта вискини ўзингиз ҳам ичасизми?

Амалдаги қонунлар талабларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида Самарқанд вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда мунтазам тезкор тадбирлар олиб борилмоқда.

Ана шундай чоралар натижасида, хусусан, қўл-бола усулда контрафакт алкоголли ичимликлар тайёрлашга мўлжалланган яширин цехлар фаолияти фоз қилинди.

Оқтош туманида ўтказилган ҳамкорликдаги тадбир давомида мазкур ҳудудда истиқомат қилу-

вчи фуқаро В.Якубовнинг (барча исм-шарифлар ўзгартирилган) хонадони холислар иштирокида кўздан кечирилганда ертўлада қўлбола усулда тайёрланган ароқларни қадоклашга мўлжалланган воситалар, шу жумладан, 943 дана муқаддам ишлатилган бутилка, металл ва пласт-

масса қоқпоқлари, 85 дана бир хил серия рақамига эга сохта акциз маркалари борлиги аниқланди.

Каттақўрғон туманида истиқомат қилувчи С.Алимованинг уйда эса жами 85 литрдан ортиқ 190 шиша контрафакт ароқлар қонунга зид равишда сақланаётгани маъ-

лум бўлди. Қизиғи шундаки, қўлбола маҳсулотларга ёпиштирилган акциз маркаларининг серия рақамлари бир хил экан!

Самарқанд шаҳрида аниқланган яна бир ҳолатда фуқаро М.Умаровнинг хонадонида божхона расмийлантирувини тасдиқловчи ҳужжатлари бўл-

маган 17 литрдан ортиқ 22 дана контрафакт виски топилди.

Ҳозир юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текшируви ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Самарқанд вилояти божхона бошқармаси Ахборот хизмати.

АРМнинг ибратли ишлари

Бувайда Компьютер технологиялари ва сервис касб-хунар коллежида 1200 нафардан зиёд ўғил-қиз 5 та мутахассислик сирларини ўрганяпти. Уларга таълим бераётган 68 нафар устоз-мураббийнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади.

Ушбу масканда назария ва амалиёт уйғун ҳолда олиб борилмоқда. Замонавий билмлар баробарида ўқувчиларни касбга йўналтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилляпти. Битирувчилар бандлигини таъминлаш мақсадида корхона ва ташкилотлар билан уч томонлама шартнома тузиш тизими самарали йўлга қўйилган.

Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларга юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафқурани шакллантириш мақсадида коллеж ахборот-ресурс маркази ходимлари ҳам ибратли ишларни ташкиллаштирилмоқда. Марказда адабий, сийсий, оммабон китоблар, услубий қўлланмалар, электрон дарсликлар, 30 дан зиёд номдаги газета ва журналлар мавжуд. АРМ хизматидан ўқитувчилар, ўқувчилар қаторида турли касб эгалари, қишлоқ аҳли ҳам фойдаланиб келмоқда. Фаргона вилоят ахборот-коммуникация маркази билан ҳамкорликда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Масалан, яқинда уюштирилган «Қонституция — бахтимиз, истиқболимиз», «Огоҳ бўлинг!», «Аср вабоси» каби тадбирлар жуда қизиқарли ўтди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.

Ҳозирча ички бозорга...

Жиззахда йиллик қуввати 2,5 миллион жуфт пайпоқ ишлаб чиқаришга мўлжалланган, лойиҳа қиймати 1 миллион 268 миң 550 АҚШ долларига тенг бўлган янги — «Jizzax Grand Tekstil» енгил саноат корхонаси иш бошлади.

Вилоят саноат салоҳиятини ривожлантиришнинг 2013-2016 йилларга мўлжалланган дастурига кўра, воҳада жорий йил якунигача умумий қиймати 1,4 триллион сўмлик 802 та, шу жумладан, енгил саноат соҳасида қиймати 503 миллиард сўмлик 231 та лойиҳани амалга ошириш тадбирлари белгиланган эди. Айни пайтда мазкур дастур доирасида қиймати 515 миллиард сўмлик 444 та лойиҳа ниҳоясига етказилган бўлиб, уларнинг 107 таси енгил саноат корхоналари билан узвий боғлиқ. Янги иш бошлаган корхона ҳам мазкур дастур доирасидаги саъй-ҳаракатларнинг узвий давомидир. «Jizzax Grand Tekstil» масъулияти чекланган жамиятини ишга тушириш учун корхонанинг 400 миң АҚШ доллар миқдоридаги ўз сармоясига ва «Асака» банк томонидан ажратилган 868550 АҚШ доллар миқдоридаги кредит маблағи сарфланди. Натижада касб-хунар коллежларини битирган 60 нафар ёш доимий иш ўрнига эга бўлди.

402 та замонавий ускуна билан таъминланган мазкур енгил саноат объекти келгусида нафақат ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, балки вилоятнинг экспорт имкониятларини оширишда ҳам муҳим ўрни тутиши шубҳасиз. Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ.

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

➤ РЕКЛАМА ЎРНИДА

КИЧИК БИЗНЕСНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЯНЧИ

Ҳозирги кунда мамлакатимиз молия бозорида шаклланган соғлом рақобат муҳити инновацион жараёнларни фаоллаштириш, мижозларга кўрсатилаётган хизмат сифати ва маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, пул-кредит муносабатларини такомиллаштириш бозор иқтисодиёти шароитида алоҳида ўрин тутаети. Шундан келиб чиқиб, молия бозорида алоҳида даврга эга бўлган «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳам замонавий хизматлар кўламини кенгайтиришда салмоқли натижаларга эришаётди.

Фахриддин НУРАЛИЕВ,
«XXI asr»

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда банк жамоаси корпоратив мижозларга комплекс хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш, мижозларга чакана хизматларни тезкор ва сифатли тақдим этишга устувор вазифалардан бири сифатида ёндашмоқда.

А.САЛОХИТИДИНОВ,
«Yasham-Ekapan» МЧЖ раҳбари:

— Бугунги кунда банклар тадбиркорлар билан нафақат мижоз сифатида, балки яқин ҳамкор, ҳаммаслак ва маддадор бўлиб, мустахкам алоқа боғламоқда. Ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган ишбилармонларга биринчи навбатда банклар ёрдам қўлини чўзмоқда. Ўз фаолиятим солида айтадиган бўлсам, юртимиз мустақилликка эришгандан кейин мен ҳам тадбиркор бўлай деб, яхши ниятлар билан қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга киришдим. Шу мақсадда вилоятимизда энг кўзга кўринган, нуфузли банклардан бири бўлган — «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Самарқанд минтақавий филиалига мурожаат қилдим. Банк маъмурияти тез фурсатда зарур кредит маблағини ажратиб бериш ҳисобига замонавий, тежамкор, электр энергияси сарфи кам бўлган ускуналар харид қилдик. Бунинг натижасида юқори сифатли гилам ишлаб чиқаришга эришдик. Ҳозирда корхонамиз йилига 11,0 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Бугун нафақат халқимиз эҳтиёжи, балки экспорт учун ҳам маҳсулот ишлаб чиқаряпмиз. Бундан ташқари қўшимча 30 та янги иш ўрни яратдик.

Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтиришни ният қилиб турибмиз. Албатта, бу борада «Ўзсаноатқурилишбанк» бизнинг яқин ва ишончли ҳамкоримиз, доимий маддакоримиз бўлиб қолади.

К.ШАРИПОВ,
«Orzu Obod Zamin» фермер хўжалиги раиси:

— Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, қулай бизнес муҳити яратишга қаратилган илҳол ҳаёт-тадбирларнинг амалга оширилиши биз, тадбиркорларни иқтисодий жиҳатдан раванқ топишимизда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шу эзгу сазой-ҳаракатларда юртимиз молия муассасаларининг ўрни катта бўлаётди. Ўзимдан қиёс: кўп йиллардан буён «Ўзсано-



атқурилишбанк»нинг Бекобод филиали мижозиман. Корхонамизнинг иқтисодий ўсишида ишбу банк чинакам кўмакчи бўлмоқда.

Ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш мақсадида корхонамизда асбоб-ускуналар, техника ва кўчатлар сотиб олиш учун банкка мурожаат қилдик. Филиал томонидан Халқаро Тараққиёт Уюшмаси кредит ливисия маблағлари ҳисобидан интенсив боғ ташкил этиш мақсадида беш йил муддатга 500 000 АҚШ долларига яқин кредит маблағлари ажратиб берилди.

Банк молиявий кўмаги ҳисобига яратилган кўлаб янги иш ўринларига асосан касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ишга қабул қилинди. Эътибор ва кўмак тараққиёт сари етаклайди. Шу маънода «Ўзсаноатқурилишбанк» жамоасининг молиявий хизматидан, мижозларга самимий муносабати ҳамда беғараз маслаҳатларидан миннатдоримиз. Бундан кейин ҳам ушбу молия муассасаси билан яқин ҳамкорлик қилиб, янги-янги истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш ниятидамиз.

М.МИРЗАЕВ,
«Absolut invest plast» МЧЖ раҳбари:

— «Ўзсаноатқурилишбанк» билан молиявий ҳамкорликка бел боғлар эканмиз, кўзлаган режаларимиз тез рўёбга чиқишига ишонган эдик. Чунки «Ўзсаноатқурилишбанк» республикамиздаги энг ишончли ва етакчи банклардан бири бўлиб, бизга ўхшаш

тадбиркорлар ўз орзу-ниятларига мазкур банк орқали эришмоқдалар. Банк тадбиркорликка бел боғлаб, иқтисодиётимиз янада ривожланиши, халқимиз ҳаёти янада фаровон бўлишида ўз хиссасини қўшишга интилан юртдошларимизни ҳар томонлама кўллаб-қувватламоқда.

«Ўзсаноатқурилишбанк» Ал-Хоразмий филиали кредити ҳисобига замонавий ускуналар олдик ва юқори сифатли қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Корхонамиз томонидан ишлаб чиқарилаётган қурилиш маҳсулотлари сифати жиҳатидан истеъмолчиларнинг мақтовига сазовор бўлмоқда. Бундан ташқари, банк томонидан ажратилган кредит ҳисобига кўлаб янги иш ўринлари яратилди. Уларга касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга қабул қилдик.

Оммавий тадбиркорлик ҳаракати туфайли юртимиз яшнамоқда, мамлакат куч-қудрати ортиб, халқимиз хур ва фаровон ҳаёт кечирмоқда. Бундай олижаноб сазой-ҳаракатларга барча тадбиркорлар қатори мен ҳам ўз улғишимни қўшаётганимдан хурсандман. Бунда «Ўзсаноатқурилишбанк» молиявий кўмаги қанот бўлмоқда.

Мухтасар айтганда, «Ўзсаноатқурилишбанк» мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштиришда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб, эл-юрт равнақига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Хизматлар лицензияланган.

Маълумки, бир пайтлар оғзак нутқнинг пайдо бўлиши билан ахборот узатиш имкониятлари кенгайган бўлса, ёзма нутқ ривожи бу борада янги босқични бошлаб берди. Фан-техника тараққиёти эса глобаллашув жараёнини тезлаштирди. Энди радио, телевидение, матбуот, телефон, факс, почта, интернет орқали ҳар қандай ахборотни ўта тезкорлик билан тарқатиш мумкин.

тарбия билан жавоб бериш даркор».

Дарҳақиқат, глобаллашув, яъни ахборот маконида турли таҳдидлар мавжуд бўлган ҳозирги шароитда ахборот-психологик хавфсизликнинг ўзига хос маънавий мезонларини шакллантириш ва уни янада кучайтириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу бевосита ОАВ фаолияти ва унда хизмат қиладиган ахборот олувчи,

риб келадиган олди-қочди гапларга шунча кам эътибор қаратадилар. Яъни, ҳар кун итарли даражада ахборотга эга бўлган шахс четдан келадиган ахборотларга деярли эътибор бермайди. Мободо ишончсиз ахборотга дуч келиб қолса ҳам унинг таъсирига тушиб қолмайди. Демак, жамиятнинг тўлақонли ахборотлаштириш амалда одамларни бузғунчи ғоялардан ҳимоя-

Шахснинг ахборот-психологик хавфсизлиги

Маъмуржон ОТАЖОНОВ,
психология фанлари номзоди, доцент

Бевосита мавзуга қайтадиган бўлсам, ахборот-психологик хавфсизлик деганда, инсон руҳиятига таъсир ўтказиш орқали уни ўз ақидалари, эътиқодидан мосуво қиладиган бузғунчи ғоялардан асраш тушунилади. Агар бунга риоя қилинмаса ёки ўз вақтида унинг таъсирчан чоралари қўрилмаса, бузғунчи ғоялар миллий қадриятларни барбод этиш орқали тарихан мавжуд халқларни геноцидга олиб келиши мумкин.

Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш учун жамият шу даражада шаклланиши лозимки, унинг аъзолари дунё дўконидан умуммиллий манфаатларга мос ахборотни танлаш олиши даркор.

Гап, лўнда қилиб айтганда, маънавий иммунитетни шакллантириш хусусида кетаяпти. Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асариде таъкидланганидек, «Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир

қарашда арзимас бўлиб туяладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин. Демак, тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, оғоҳ ва хушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуқсиз равишда олиб бориладиган маънавий

сақловчи ва тарқатувчи ходимларнинг сийсий сависиси, касб маҳорати, энг муҳими, фуқаролик позициясига боғлиқ жараёндир.

Мавзу муҳиятидан келиб чиққан ҳолда айтиш жоизки, бугун кенг жамоатчилиқка, айниқса, серҳаракат ёшларга тезкор ахборотлар зарур. Улар мамлакатимизда ва жаҳонда юз бераётган энг муҳим воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳаққоний маълумотга эга бўлиб боришни истайдилар. Шундай экан, ёшларнинг бундай эҳтиёжи қанчалик тўла қондирилса, улар четдан ки-

лашга хизмат қилади.

Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг ўзига хос асослари ҳақида гапирадиган бўлсам, биринчи навбатда, ташкилий-техник жиҳатдан таъминланганлик ва замонавий технологиялар билан етарли даражада қуролланиш бу борада муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан, мустахкам моддий-молиявий асосларга эга бўлиш, яъни ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашга хизмат қиладиган соҳа ходимлари моддий манфаатдорлигини ошириш лозим.

Учинчидан, замонавий ахборот технологияларини бошқарадиган, ундан самарали фойдалана оладиган, етарли билим ва кенг дунёқарашга эга кадрларни тайёрлаш зарур.

Бир сўз билан айтганда, жамият ривожи ва миллат тақдирини ҳал қилиш, унинг тараққиёти ёки таназзулани белгилашга қодир бўлган ахборот тизимини бошқариш, тартибга солиш, ундан фойдаланиш меъёрларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

«Қамалак» иш бошлади

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фаргона вилоят бўлими қошида «Қамалак» болалар ўқув маркази иш бошлади. Унда инглиз ва рус тиллари, компьютер саводхонлиги, шахмат-шашка, рақс йўналишидаги тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилган.

Болалар бу ерда психологик кўмак олиши, ёш ижодкорлар клубларидаги машғулотларда қатнашиши, бадий ва илмий мумкинларга бой кутубхона хизматидан фойдаланишлари умуман. Мақтабга таёрлов курси машғулоти ҳам ташкил этилган эътиборга молик.

Марказ дастурида, шунингдек, Аҳмад ал-Фарғоний номи астироҳат боғи, ўлкани ўрганиш музейи, турли зийратгоҳлар, театр-концерт саройи, болалар сув спорти ҳавзаси, «Истиқлол» ўйингоҳига мунтазам сайёҳатлар уюштириш ҳам режалаштирилган.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.

➤ ҚЎТЛОВ



Самарқанд шаҳрида фаолият юритаётган «КАРИМ САЛЛОХ САВДО» масъулияти чекланган жамияти жамоаси

*азиз юртдошларимизни
Янги йил байрами
билан табриклайди.*

2016 йил

*Сизларга ва оилангизга
тинчлик-осойишталик,
соғлиқ-омонлик ва
бахт-саодат олиб келсин!*



Хизматлар лицензияланган.

➤ РЕКЛАМА ЎРНИДА

Экспортчи корхоналарга амалий ёрдам

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар моҳият-эътибори билан асрларга татийди, десак муболаға бўлмайди. Халқимиз фаровонлиги юксалиб, мамлакатимизнинг нафақат ички, балки экспорт имкониятлари ҳам ортиб бормоқда.

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини кўллаб-қувватлаш жамғармасининг Қашқадарё вилоят филиали ҳам бу борада муайян ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, ҳудудда жойлашган экспорт салоҳиятига эга корхоналарнинг маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида 50 дан ортиқ корхонага ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматларни намойиш этиш мақсадида уч турдаги намунавий тижорат таклифи жўнатилди. Натижада 39 корхона билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Шунлардан 19 тасига 17 миллион АҚШ долларига яқин миқдордаги маҳсулот-

ни экспорт қилишда юридик, консултив ва молиявий ёрдам кўрсатилди. Вилоятда ташкил этилган экспортни кўллаб-қувватлаш бўйича ишчи гуруҳи ҳар бир шаҳар ва туманда хусусий сектор субъектлари билан 21 мартаба учрашув ўтказиб, уларнинг муаммоларини ўрганди. 150 дан ортиқ тадбиркорга яратилган имтиёзлар ва ташқи бозор маркетинг тадқиқотлари тўғрисида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, филиалда экспорт лойиҳаларини амалга ошираётган ишбилармонларга хорижий мамлакатларнинг қонунчилигига мувофиқ зарур лицензиялар, рухсатномалар, сертификатлар олишда амалий кўмак берилмоқда. Кичик бизнес субъектларининг халқаро тендер савдо-

ларида иштирок этиши билан боғлиқ рўйхатдан ўтиш йиғимлари ҳамда бошқа тўловларини тўлаган ҳолда уларнинг чет эллардаги кўргазма ва ярмаркаларда қатнашишига молиявий ёрдам кўрсатилмоқда. Масалан, жамғарма кўмагида «Жасмина Фрукт сервис» кўп тармоқли фермер хўжалиги 400 тонна қовунни хорижга сотиш бўйича умумий қиймати 280 минг АҚШ доллари миқдоридеги экспорт шартномасини имзолади. Мазкур хўжалик ҳозиргача 21 минг АҚШ долларига яқин маҳсулотни экспорт қилди. Қишлоқ хўжалигига иқтисослашган «Касби Тинчлик Плюс» МЧЖга экспортни амалга ошириш бўйича амалдаги қонунчиликда кўрсатилган меъёрларда бўйича ҳужжатлашти-

риш ишларида ёрдам кўрсатилиб, мавсум давомида аграр тармоқ маҳсулотларини экспорт қилиш учун 120 минг АҚШ доллари миқдорда шартнома имзоланди. Мухтасар айтганда, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини кўллаб-қувватлаш жамғармаси Қашқадарё вилоят филиали экспорт салоҳиятига эга мижозларга тезкор хизмат кўрсатиш мақсадида ўз имкониятларини мунтазам ошириб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, жойларда ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш баробарида экспорт қилувчи корхоналарнинг мазкур жамғармага бўлган ишончини мустаҳкамлаётди.

Хизматлар лицензияланган.

СЎНГГИ САҲИФА

» КЎТЛОВ

AGROBANK

жамоаси азиз юртдошларимизни
янги – 2016 йил
билан самимий муборакбод этади.

Соғлом она ва бола йили юртимизга файзу баракали
келишини ҳамда барча эзгуликлар ҳамроҳ
бўлишини тилаб, қўйдаги банк хизматини таклиф этади.

«Агробанк» ҳамда Click компанияси ҳамкорлигида
жорий этилган «Мобил савдо» тизими орқали уяли
телефонингиздан маҳсулот ва хизматлар учун тўловларни
содда ва тез амалга ошириш хизматидан фойдаланинг.

CLICK
mobilsavdo
sodda va tez to'lov

Мобил савдо белгиси мавжуд жойларда
тўловни амалга оширишингиз мумкин.

www.agrobank.uz **Хизматлар лицензияланган**

» РЕКЛАМА

«Асака» банк
ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ЭТАДИ

«Асака» акциядорлик-тижорат банки Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрт-кўл шаҳри, Қирққиз кўчаси, 3-уйда жойлашган «To'rtko'l Omad Tekstil» МЧЖда трикотаж матолари ва тайёр тикув маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича лойиҳани биргаликда амалга ошириш учун ҳамкорларни таклиф этади.

Корхона дунёда таниқли ишлаб чиқарувчиларнинг замонавий ускуналари билан жиҳозланган.
Маълумот учун телефонлар: (0361) 532-25-18, (+99890) 275-33-66, (+99890) 394-50-00.
E-mail: contact@asakabank.com

Хизматлар лицензияланган.

AVTOSALON
«SARDOR AVTO INVEST»

ZAZ

ZAZ Forza
дв: 109 л.с.
бензин / газ

LADA

Нива Бизнес - пикап, 4x4
Дв: 80,92 л.с. - бензин / газ

UAZ

ТўЛОВ ТУРИ: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ УТҚАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш., Шота Руставели кўчаси, 113-уй. Мўлжал: Жанубий вокзал.
Телефонлар: (+998 71) 215-09-11, 250-23-93.
www.sardor-avto.uz

Маҳсулотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

2016

ШЎРТАНГАЗКИМЁ
мажмуаси жамоаси

Ўзбекистон халқини
Соғлом она ва бола йили
деб эълон қилинган
2016 йил билан
чин дилдан муборакбод этади.
Янги йилда ҳам мустақил
Ватанимизнинг
янада гуллаб-яшнаши,
фарзандларимиз бахту камоли,
иқболини кўриш
ҳаммамизга насиб этсин!

Хизматлар лицензияланган.

XXI ASR
ЎТМОЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА

МУАССИС: ТADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ: Озод РАҲАБОВ.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: Нотибият – 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими – 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими – 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик фаолияти бўлими – 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими – 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими – 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: XXI_ASR@mail.ru

«XXI ASR» ижтимоий-сийсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Буюрта рақами: S 4734 Тираж: 8267

Баҳоиси келишилган нарҳда.

Топширилди – 20.00

Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материалларига таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2311-497X



9 772311 497009

Навбатчилар:
ТАБДУРАҲМОНОВ, С.ЗОИРОВ.